

Тошкент Кимё халқаро университети
ректорининг 2022 йил 30-ноябрдаги
168-сонли буйруғига 1-илова

ТОШКЕНТ КИМЁ ХАЛҚАРО УНИВЕРСИТЕТИНИНГ МАГИСТРАТУРА ТҮҒРИСИДАГИ НИЗОМИ

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Тошкент Кимё халқаро университет (бундан кейин матнда Университет деб юритилади) Магистратурасини самарали ташкил этиш ҳамда амалга ошириш борасидаги ҳуқуқий, ташкилий ҳамда ўқув-услубий, илмий-педагогик ҳамда илмий-услубий муносабатларни тартибга солишни белгилаб беради.

2. Мазкур Низомнинг ҳуқуқий асослари сифати Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Ўзбекистон Республикасининг “Таълим түғрисида”ги қонуни, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 2 мартағи 36-сон “Магистратура түғрисидағи Низомни тасдиқлаш ҳақида”ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари түғрисида”ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 27 июндаги ПҚ-3151-сон “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари түғрисида”ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 июндаги ПҚ-3775-сон “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар түғрисида”ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 11 июлдаги ПҚ-4391-сон «Олий ва ўрта маҳсус таълим тизимиға бошқарувнинг янги тамойилларини жорий этиш чора-тадбирлари түғрисида»ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон «Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш түғрисида»ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 2 мартағи 824-сон “Олий таълим муассасаларида таълим жараёнини ташкил этиш билан боғлиқ тизимни такомиллаштириш чора-тадбирлари түғрисида”ги қарори ҳамда олий таълимнинг меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлари, шунингдек, Тошкент Кимё халқаро университети Ички тартиб қоидалари ҳамда ушбу Низомга асосланган ҳолда Магистратурани ривожлантиришнинг стратегик мақсадлари, устувор йўналишлари, вазифалари, ўрта ва узоқ муддатли истиқболдаги босқичларини белгилайди ҳамда соҳага оид дастурлар ва комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқишига асос бўлади.

3. Магистратура фаолияти Университет Кенгашининг қарорига мувофиқ шакллантирилади ҳамда ректор томонидан тасдиқланади.

4. Мазкур Низом ва унинг бандлари Университетнинг бакалавриат босқичи ўқув-услубий жараёнларига татбиқ этилмайди.

5. Ушбу Низомда қўйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

кредит — таълим олиш натижаларига кўра талаба томонидан муайян фан бўйича ўзлаштирилган ўқув юкламасининг ўлчов бирлиги. Кредитлар қоидага мувофиқ бутун, каср сонларда ифодаланиши мумкин;

олий таълим муассасаси — белгиланган миқдордаги кредитларни тан олишни ҳисобга олган ҳолда таълим ва малака тўғрисидаги ҳужжат берувчи муассаса;

кредит тўплаш — таълим элементларини ўзлаштириш ва бошқа ютуқларга эришиш натижасида тақдим этиладиган кредит бирликларини тўплаш;

магистратура — тегишли бакалавриат негизидаги аниқ мутахассислик бўйича давомийлиги камида бир йил бўлган олий таълимдир;

магистрант (магистратура талабаси) — олий таълимнинг магистратура мутахассислигида таълим оловчи талабаси;

магистрлик даражаси — магистратура дастури тўлиқ якунланиши натижасида олий таълимнинг икки босқичини якунланганлик тўғрисидаги якуний аттестацияси натижаси кўра бериладиган академик даража бўлиб, магистр академик даражасига эга бўлган шахс сифатида илмий-тадқиқот услубиёти, илмий ахборотларни қайта ишлаш ва сақлаш бўйича замонавий технологияларни биладиган, чуқур билимлни, иқтидорли, рақобатбардош даражадаги касбий кўникмага эга бўлган мутахассис ҳисобланади;

магистрлик диссертацияси — ўқиш ва ўқув режа ва дастурларини ўзлаштириш жараёнида магистратура талабаси эгаллаган назарий ва амалий билимлари асосида бажарилган илмий-тадқиқот ишларининг натижаси ҳисобланади;

магистратура талабасининг (магистрнинг) шахсий таълим траекторияси — талаба (магистр) томонидан танланган ҳамда унга кетма-кетлиқда билимлар тўплаш ва хоҳлаган компетенциялар йиғиндисига эга бўлиш имкониятини берадиган йўналиш (маршрут). Таълим траекторияси институционал ҳужжатлар ва йўриқномалар ёрдамида тузилиши ҳамда турли таълим траекториялари натижасида бир хил малака олишга олиб келиши мумкин;

таълим дастури — бакалавриат таълим йўналиши ёки магистратура мутахассислиги бўйича ўқув жараёнини амалга оширишга мўлжалланган таълимнинг асосий хусусиятлари (ҳажми, мазмуни, режалаштирилган натижалар), ташкилий-педагогик шарт-шароитлар, фан дастурларига қўйилган умумий талаблар, шунингдек, таълимни ташкил этиш ва амалга ошириш учун зарур бўлган ахборот-ресурс ва ўқув-методик кўрсатмалар мажмуи;

таълимнинг кредит-модуль тизими — таълим оловчига йўналтирилган, таълим олиш, таълим бериш ва таълим оловчилар билимини баҳолаш жараёнларининг шаффофлиги тамойили асосида кредитларни иғишиш ва ўтказишдан иборат тизим;

таълим модули (модуль) — бу ўзида билимга оид ҳамда касбий жиҳатларни қамраб оладиган, талабада билим, кўникма ва малакаларни шакллантиришга қаратилган таълим дастурининг таркибий элементи сифатида назорат қилишнинг тегишли тури билан якунланадиган алоҳида ўқув фани (унинг қисми ёки ўзаро бир соҳага доир фанлар мажмуи);

таълим натижалари — талаба томонидан ўзлаштирилган ва баҳо билан тасдиқланган малака даражасини акс эттирадиган, таълим жараёнини муваффақиятли тугаллагач талаба ўзлаштирган кўникмалар ва уларни амалда бажариш қобилиятининг тавсифи;

ўқиш юкламаси — талаба томонидан ўқув фаолиятининг барча турлари — маъруза, амалий машғулот, семинар, лаборатория иши, курс лойиҳаси (иши), амалиёт ва мустақил ишни амалга ошириш асосида кутилган ўқув натижаларига эришиш учун зарур бўлган соатлар ҳажми;

транскрипт — таълим олишнинг тегишли даврида ўзлаштирилган кредитлар ва баҳоларнинг ҳарф ва рақамлардаги ифодаси кўрсатиб ўтилган фанлар рўйхатини ўз ичига олган белгиланган шаклдаги ҳужжат.

Университетдан амалиёт (стажировка) раҳбари — амалиёт (стажировка)га йўлланган магистратура талабасининг магистрлик диссертацияси ва илмий-тадқиқот ишларига бевосита раҳбарлик қилаётган илмий раҳбар (илмий маслаҳатчи), магистратура талабасининг стажировкасига раҳбарлик қилиш ўқув юкламасига киритилган профессор-ўқитувчиси;

стажировка (ишлаб чиқаришда, илмий-тадқиқот муассасасида, хорижда тажриба орттириш) — магистратура мутахассислиги бўйича мақсадли касбий таълим ўқув режа ва дастурларини ўзлаштириш, магистратура талабаларида илмий-тадқиқот компетенцияларини шакллантириш мақсадида таълимнинг фан ва ишлаб чиқариш билан интеграциясини ривожлантириш йўли орқали магистрларни энг янги илмий-техник ривожланишдаги ютуқлар ҳамда иқтисод, фан, техника, маданият ва соғлиқни сақлаш тармоқларидаги замонавий техника ва технологиялар базасида илмий тадқиқот олиб бориши;

стажировка ўташ дастури — стажировка давомида иқтисод, фан, техника, маданият, соғлиқни сақлаш, қишлоқ ва сув хўжалиги тармоқларидаги замонавий техника ва технологиялар базасида энг янги илмий-техник ривожланишдаги ютуқларни ўрганиш ҳамда магистратура талабасининг магистрлик диссертациясини (ёки унинг бир қисмини) тайёрлаш учун материаллар йиғиши, магистрлик диссертацияси мавзуси юзасидан илмий-тадқиқот ишларини бажариш, магистрлик диссертацияси (ёки унинг бир қисми) учун зарур бўлган тажриба-синовларни ўтказиш, уларни мутахассислар муҳокамасидан ўтказиш, тажриба-синов натижаларидан илмий хулосалар чиқариш бўйича тадбирларни қамраб олган стажировка раҳбари томонидан ишлаб чиқилган ва Университетнинг зиммасига стажировка масалалари билан шуғулланиш мажбурияти юклатилган таркибий бўлинмаси бошлиғи томонидан тасдиқланадиган

дастур (хорижда стажировка ўташ дастури Университет ректори томонидан тасдиқланади);

қабул қилувчи ташкилот — стажировка ўтказилиши режалаштирилган ҳамда ўтказиладиган юридик шахс;

қабул қилувчи ташкилотдан стажировка раҳбари — зиммасига магистратура талабалари томонидан стажировка ўташ дастурида белгиланган топшириқлар бажарилишини назорат қилиш, уларни амалий кўникмаларга ўргатиш, магистрлик диссертациясининг тажриба-синовларини ўтказиш ва унинг амалий қисми материалларини тайёрлашга кўмаклашиш масъулияти юкландиган қабул қилувчи ташкилот ходими.

1. Магистратура аниқ мутахассислик бўйича бакалавриат негизида ўқитиш камида икки ўқув йил ҳамда 4 семестр (бунда 3 ўқув-амалиёт семестри ва 1 семетр магистрлик диссертациясини ёзиш ва ҳимоя қилиш) давом этадиган олий таълим босқичидир.

2. Магистратура мутахассисликларига қабул ҳамда таълим жараёнини ташкил этиш Университет Таъсисчилари қарори ва ректор буйруғига мувофиқ амалга оширилади.

3. Университетда магистратура фаолиятини мувофиқлаштириш Магистратура бўлими (кейинги ўринларда – Бўлим) томонидан амалга оширади ҳамда Бўлим мутахассислик кафедралари ва бошқа бўлимлар билан биргалиқда таъминлайдилар:

- магистрлар тайёрлаш бўйича ўқув жараёнини ташкил этиш ва амалга оширишга, уларга тақдим этилаётган таълим ва ўқитиш сифатини назорат қилишга кўмаклашиш;
- ўқув-изланиш ва илмий-тадқиқот ишлари амалга оширилишини;
- университет магистратура талабаларини тайёрлаш бўйича фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш;
- магистратура талабаларини тайёрлаш масалаларини таҳлил қилиш ва уларни ривожлантириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш.

4. Университетда Магистратура мутахассисликлари бўйича таълим олиш тўлов-контракт асосида амалга оширилади. Шунингдек, Университет Таъсисчилари қарори ҳамда ректор буйруғига асосан иқтидорли ҳамда ижтимоий ҳимояга муҳтоҷ магистратура талабалари учун таълим гранти ажратилиши мумкин.

II. МАГИСТРАТУРА БЎЛИМИ МАҚСАДИ ВА ВАЗИФАЛАРИ

5. Бўлимнинг асосий мақсади Тошкент Кимё халқаро университетида миллий ва халқаро андозаларга мувофиқ мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш тенденцияларидан келиб чиқсан ҳолда тегишли мутахассислик бўйича касбий, педагогик ва тегишли соҳа билимларни чуқур ўзлаштирган, мутахассислик бўйича илмий тадқиқот олиб бориш кўникмаларини шакллантириш асосида жамият ва давлат олдидаги масъулиятини тушунган юқори малакали мутахассисларини тайёрланиш жараёнини ташкил этишдан иборат.

6. Бўйлумнинг асосий вазифалари:

- магистратура фаолиятини ҳуқуқий, ташкилий ҳамда ўқув-услубий, илмий-педагогик ҳамда илмий-услубий муносабатларни шакллантиришда миллий ва халқаро стандартларга асосланган ҳолда ишлаб чиқиш, шунингдек, кадрлар буюртмачилари талаб ва таклифлари асосида ташкил этиш ҳамда уларни мунтазам такомиллаштириб бориш;
- магистратура мутахассисликларида ўқув жараёнини ташкил этиш, таълим ва ўқитиш сифати ҳамда илмий салоҳиятни оширишни доимий назорат қилиш;
- магистратура фаолиятини бошқариш, таълим жараёнларини ташкил этишнинг шакл ва механизмларини йўлга қўйиш ҳамда доимий равиша таомиллаштириш;
- магистратура мутахассисликларини зарурый дарсликлар ва адабиётлар билан таъминлашни ташкил этиш, бу ишга етук олимлар, юқори малакали мутахассисларни жалб этиш, илмий соҳани ривожлантириш;
- магистратура талабалари томонидан ўқув-изланиш ва илмий-тадқиқот ишлари амалга оширилишини назорат қилиш;
- магистратура талабаларини ўқитиш ва илмий изланишлари устидан мунтазам мониторингни амалга ошириш, магистрлар тайёрлаш ишларини мунтазам равиша таҳлил қилиш ҳамда улар юзасидан ҳисоботлар тайёрлаш;
- магистратурада дарс берадиган педагог кадрларга юклатилган вазифаларни амалга оширишлари учун мақсадга йўналтирилган шароитларни яратиш ва уларни ижтимоий-касбий ва шахсий фаоллигини ошириш, уларни рағбатлантириш тизимларини ишлаб чиқиш;
- магистратура ахборот таъминоти тизимларини шакллантириш ва ривожлантириш;
- республикадаги ва илғор хорижий ҳамкорлар билан биргалиқда илмий лойиҳалар ва дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш ишларида доимий иштирок этиш;
- мавжуд ҳолатни тизимли равиша таҳлил қилиш, муаммоли ҳолатларни аниқлаш, магистратурани ривожлантириш тенденциялари бўйича устувор йўналишларни аниқлаш;
- магистрлар тайёрлаш соҳаси бўйича талаб ва таклифларни ўрганишни ташкил этиш, таълим хизматлари ва касбий меҳнат бозорида рақобатбардошлигини таъминлаш ҳамда магистрлар тайёрлаш соҳасида маркетингни шакллантириш;
- имтиёзлар асосида таълим олган магистратура талабаларини ишга тақсимлаш борасида меҳнат бозоридаги иш ўринлари тўғрисида ахборот банкини яратиш, иш берувчи ташкилотлар билан ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш;
- магистрлар тайёрлаш жараёни иштирокчи-ҳамкорлар қизиқишилари акс этган таклиф ва кўрсатмаларни ишлаб чиқиш ҳамда уларни ривожлантириш;

- халқаро, давлатлараро, республикадаги ва ҳудудий тузилмалар ҳамда ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлик муносабатларини йўлга қўйиш бўйича мақсадли ҳамда натижалари ишларни амага ошириш;
- магистратурага қўйилган вазифалардан келиб чиқиб, уни ривожлантиришга қаратилган дастурлар, лойиҳалар, ташабbusларни тузиш ва амалга ошириш.

III. МАГИСТРАТУРА БЎЛИМИНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

7. Бўлим ўзига юклатилган вазифаларни бажариш учун қўйидаги ҳуқуқларга эга:

- университет Кенгashi ва раҳбариятига магистратура фаолиятини такомиллаштириш бўйича таклифлар киритиш;
- давлат органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлардан магистратура мутахассисликларга бўлган эҳтиёж тўғрисидаги ахборотни белгиланган тартибда олиш ва улар бўйича мақсадли ва натижавий иш ташкил этиш.

8. Бўлим мажбуриятлари қўйидагилардан иборат:

- ўқув режаларида кўзда тутилган ўқитишнинг ҳамма шакллари (маъруза, лаборатория, амалиёт, семинар ва бошқа ўқув машғулотлари турлари) бўйича ўқув жараёнини самарали ташкил этиш;
- магистратура талабаларини маънавий-маърифий жиҳатдан тарбиялаш, уларда илмий дунёқарашни шакллантириш жараёнини ташкил қилиш;
- бўлимнинг тасдиқланган режаси асосида илмий-тадқиқот ишлари, шунингдек, инновацион лойиҳалар, грантлар ва бошқалар бўйича ишларни олиб бориш, тугалланган илмий-тадқиқот ишларини муҳокама қилиш ва уларни ишлаб чиқаришга қўллаш, тугалланган илмий ишларни чоп этишга тавсия этиш, таълим, фан ва ишлаб чиқаришнинг самарали интеграциясини таъминлаш;
- магистратура талабаларининг илмий-тадқиқот ишларини бажаришга йўллаш ва уларнинг илмий тадқиқот ишларини бажаришни мувофиқлаштириш;
- магистратура талабаларининг малака амалиётлари, лойиҳалари (ишлари), магистрлик диссертациялари, шунингдек, уларнинг мустақил ишларини сифатли ташкил этилишини назорат қилиш;
- магистратура талабаларининг илмий раҳбарлари шахсий иш режаларидаги магистратурага оид ўқув, илмий, услубий ва тарбиявий ишлари бажарилишини назорат қилиш;
- мутахассислик кафедралар билан биргаликда республика ва хориждаги илгор тажрибалар, етакчи илмий ва таълим марказлари фаолияти, олимлар ҳамда энг яхши педагогларнинг илгор ишларини ўрганиш, умумлаштириш ва татбиқ этиш;

- мутахассислик кафедралар билан замонавий педагогик ва ахборот технологияларини ишлаб чиқиши ташкил қилиш ва ўкув жараёнига жорий этиш;
- мутахассислик кафедралар билан ёш педагогларга педагогик маҳоратга эга бўлишлари учун ёрдам уюштириш ҳамда устоз-шогирд анъаналарини ривожлантириш;
- ахборот базаларини яратиш, ўкув машғулотларида техник воситаларни қўллаш ва индивидуал ўқитиш, мустақил ўқиш воситаларини яратиш, масофадан ўқитиш тизимларини такомиллаштириш;
- ҳар хил шаклдаги халкаро ҳамкорликлар, ўзаро ахборотлар алмашинувини ривожлантириш, конференцияларда иштирок этиш, хорижий таълим муассасалари магистратуралари ишлари тажрибасини ёритиш;
- мутахассислик кафедралар билан магистрлик диссертацияларининг мавзуларини кўриб чиқиш ва уларни ишлаб чиқиш ҳамда илм-фан муаммоларини ҳал этишга йўналтирилишига кўмаклашиш;
- магистратура талабалари билимини кредит тизими талаблари бўйича назорат қилишни ташкил этиш, натижаларини таҳлил қилиш, уни такомиллаштириш чораларини кўриш;
- магистратура талабаларини аудиториядан ташқари ишларини асосан ижод қилиш, илмий ишлар билан шуғулланиш, тўгарак ва секцияларга қатнашишга йўналтириш;
- урнатилган тартибда магистратура мутахассисларни бўйича ўкув режалари ҳамда дарс жадвалларини ишлаб чиқишга кўмаклашиш;
- магистратура учун дарслерлар, ўкув, услубий ва кўргазмали қўлланмалар билан таъминлаш жараёнини ташкил этиш;
- иқтидорли магистратура талабалари билан ишлаш, уларни олимпиада ва танловларда, шу жумладан, Президент ва номдор Давлат стипендияси танловларида иштирок этишига кўмаклашиш;
- магистратура битирувчиларини илмий-педагогик фаолиятга йўллаш, Устоз-шогирд тизимидан ҳамда турли жамғармалар имкониятларидан самарали фойдаланган ҳолда уларни Университетда катта илмий ходимлар-изланувчилар сифатида ўқишини давом эттириш ҳамда тегишли кафедраларда педагогик фаолият олиб боришга тавсия этиш;
- магистратура битирувчилари билан тизимли, доимий алоқаларни ташкил этиш, улар фаолиятининг мониторингини олиб бориш.

IV. МАГИСТРАТУРА БЎЛИМИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА УНИ БОШҚАРИШ

9. Магистратура бўлими Университетнинг ташкилий тузилмаси таркибига кириб, ходимлар сони штат жадвалига асосан шакллантирилади ҳамда магистратура фаолиятига оид бошқарувни университет Кенгashi, ректори ва проректори, Ўқув-услубий бошқарма ҳамда мутахассислик кафедралар билан биргаликда мувофиқлаштириб боради (1-илова).

10. Бўлим ишига раҳбарликни бўлим бошлиғи амалга оширади. Бўлим бошлиғи университет Ректори томонидан илмий даражали (унвонли),

таълим жараёнини ташкил этиш бўйича амалий тажрибага эга профессор-ўқитувчи ёки ходимлар сафидан танланади ҳамда бўйруқка асосан тайинланади.

11. Бўлим бошлиғи университет Кенгашининг аъзоси ҳисобланиб, ҳар ўқув йили якунида Кенгашда йиллик фаолияти ҳақида ҳисобот беради.

12. Бўлим ўз фаолиятини ўқув, илмий-услубий, маънавий-маърифий, илмий-тадқиқот ва бошқа йўналишлар бўйича ишлаб чиқилган истиқболли ва йиллик (жорий) режалар асосида юритади.

13. Бўлим университетнинг маблағлари ҳисобидан иш ҳақи фонди ҳамда маъмурий-бошқарув ҳодимлари сони доирасида ташкил этилади.

14. Бўлим бошлиғи магистратура фаолияти ҳамда магистратурада ижодий ва илмий муҳит яратиш учун шахсан масъул ҳисобланади.

15. Бўлим бошлиғининг вазифалари:

- бўлимда ўқув, илмий, маънавий-маърифий ва илмий-услубий ишларга бевосита раҳбарлик қилиш;
- Университет Илмий Кенгashi қарорлари ва Ректор бўйруқларининг бажарилишини таъминлаш ҳамда назорат қилиш;
- бўлимда илмий-услубий, ўқув-тарбиявий жараёнларни ташкил этиш;
- ўқув машғулотлари жадвалини тузишга раҳбарлик қилиш, унинг бажарилишини назорат қилиш;
- ўқув жараёни, илмий-тадқиқот иши, илмий-педагогик иш ва малака амалиётларини ташкил этишни тартибга солиш ҳамда бошқариш;
- магистратура талабалари билимининг кредит тизими асосида баҳоланиши устидан назорат қилиш;
- магистратура талабаларини курсдан курсга ўтказиш тўғрисидаги бўйруқ лойиҳасини тайёрлашга бошчилик қилиш;
- магистратура талабаларини мутахассислик фанидан ва магистрлик диссертацияси ҳимояси бўйича якуний аттестацияга киритиш;
- магистратура талабаларини университет талабалари сафидан четлаштириш ва қайта тиклашга тақдим этиш;
- магистратура талабаларининг мутахассислик кафедраларида илмий-тадқиқот фаолиятини тизимли асосда ташкил этилишини бошқариш;
- магистратура битирувчилари билан тизимли, доимий алоқаларни ўрнатиш;
- университет Кенгashiда бўлим фаолияти юзасидан ҳисобот бериш;
- бўлим моддий техника базасини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш ишларини олиб бориш;
- ўз ваколати доирасида, бўлим ходимлари ва магистратура талабалари учун мажбурий бўлган кўрсатмалар бериш;
- бўлим жамоаси ва магистратура талабалари ўртасида ўзаро ишонч ва ҳурмат, самимийлик ва меҳр-оқибат туйғуларини шакллантириш.

16. Бўлим бошлиғи ўринбосарининг вазифалари:

- Ўқув-услубий бошқарма билан ҳамкорликда магистратура талабаларга ID гувоҳномаси, талабалар шахсий ҳужжатлари ва академик ўзлаштириш тўғрисидаги маълумот (академик транскрипт)ларни расмийлаштириш;
 - академик ўзлаштириш ҳисобини юритиш ва назорат қилиш;
 - магистратура талабаларининг давоматини назорат қилиш;
 - магистратура талабаларига ўқиши юзасидан маълумотнома бериш;
 - магистратура талабалари сафидан четлаштириш, ўқишга тиклашга доир буйруқ лойиҳаларини тайёрлаш;
 - ижтимоий ҳимояяга муҳтож бўлган ногирон, чин етимлиги бўлган магистратура талабалари ҳисобини юритиш;
 - Ўқув-услубий бошқарма билан ҳамкорликда талабалар академик ўзлаштириш тўғрисидаги маълумот (академик транскрипт)идан кўчирма тайёрлаш ва диплом ҳамда унинг иловасини расмийлаштириш;
 - бўлим бошлиғи резолюциясига мувофиқ ҳужжатларни ижро учун масъул шахсга етказиш ва рўйхатга олиш;
 - ижро интизоми ва барча ҳужжатлар ўз вақтида бажарилиши ҳисобини юритиш;
 - ҳужжатларни тизимлаштириш ва уларни архивга топшириш;
 - бўлимнинг ҳужжатлар йиғма жилдини юритиш.
17. Бўлим (бош) услубчисининг вазифалари:
- бўлим ва кафедралар томонидан ўқув-услубий ишларининг, ўқув, намунавий режаларни бажарилишига кўмаклашиш;
 - ўқув-услубий ишларининг тузилишига кўмаклашиш;
 - бўлимда амалга оширилаётган ўқув-услубий, маънавий-маърифий ҳамда илмий-тадқиқот ишларида фаол иштирок этиш;
 - профессор-ўқитувчилар томонидан ўқув машғулотларининг ўтказилишини акс эттирувчи қайдномаларни, талабалар гурӯҳ журналлари ва ўқув ва рақаларини мунтазам равишда текшириб бориш;
 - келиш ва кетиш ҳужжатларини расмийлаштириш;
 - бўлимга кирувчи ва чиқувчи хат-ҳужжатларининг ҳисобини юритиш ва рўйхатдан ўтказиш;
 - бўлим архиви ва картотекасини юритиш.

V. МАГИСТРАТУРА БЎЛИМИ ҲУЖЖАТЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ЮРИТИЛИШИ

18. Бўлимда куйидаги ҳужжатлар бўлиши лозим:
- Ўзбекистон Республикаси Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг таълимга оид Фармон ва Қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг таълим, фан ва маданият соҳаларига оид қарорлари ва фармойишлари;
 - Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг магистратурага оид буйруқлари ва фармойишлари;

- Бўлим йўналишига оид меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар;
- университет Кенгаши қарорлари, университет буйруқлари ва фармойишлари;
- магистратура талабалари, илмий раҳбарлар, профессор-ӯқитувчилар таркибининг шахсий иш режалари;
- ўқув, илмий-тадқиқот, маънавий-маърифий ишлар режалари;
- талабалар турар жойлари, жамоат ташкилотлари ва фондлар билан биргаликда қиласиган тадбирлар режалари;
- ўқув-услубий ва бошқа ўқув жараёнини ташкил этишга тааллуқли ҳужжатлар;
- магистратура талабалари ва уларнинг илмий раҳбарлари, магистратура фаолиятига жалб қилинган педагоглар рўйхати;
- бажарилган ишлар ҳисоботи ва йиғилиш баённомалари.

19. Бўлим Тошкент Кимё халқаро университети Кенгашининг қарори асосида Ректорнинг буйруғи билан тугатилиши мумкин.

VI. МАГИСТРАТУРАГА ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

20. Университетининг Магистратурасига талабаларни қабул қилиш тартибини Таъсисчилар қарори ҳамда Қабул комиссияси томонидан белгиланади ҳамда қабул имтиҳонлари натижаларига кўра, тўпланган балларнинг рейтинг тизими бўйича амалга оширилади. Бунда, Университет битирувчиларига кириш имтиҳонларида имтиёзлар берилишига алоҳида эътибор қаратилади. Мазкур имтиёзлар Қабул комиссия томонидан белгиланади ҳамда Ректор буйруғи билан тасдиқланади (2-илова).

21. Магистратурага қабул тегишли таълим йўналиши ва Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги томонидан белгиланган олий таълим йўналишлари рўйхати бўйича бакалавр даражасига ёки дипломли мутахассис малакасига эга бўлган шахслар ўртасида очиқ танлов асосида амалга оширилади.

22. Магистратурага қабул барча учун тенг ҳуқуқлилик, ягона қабул қоидалари ва кириш имтиҳонлари асосида амалга оширилиб, кириш синовларида энг юқори балл тўплаган абитуриентларни биринчи навбатда қабул қилиниш ҳуқуқи таъминланади.

23. Кириш имтиҳонлари магистратура мутахассислиги, ўқитиш тили ва шаклига кўра алоҳида ўтказилади.

24. Кириш синовлари уч тилда — ўзбек, рус ҳамда хорижий (инглиз) тилларида ўтказилади.

25. Магистратурага хорижий фуқароларни қабул қилиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 4 августдаги 169-сон «Хорижий фуқароларни Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш ва ўқитиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори ҳамда Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари асосида Университет Қабул комиссиясининг қарорига кўра амалга оширилади.

26. Магистратурага қабул Комиссияси магистратурага қабул қилиш муддатлари, мутахассисликлар номлари ҳақидаги ахборотни белгиланган тартибда расмий маълумотлар орқали эълон қиласди.

27. Магистратурага киришда абитуриентлар (бакалавр даражасига эга бўлганлар, дипломли мутахассислар) Қабул комиссиясига қўйидаги хужжатларни онлайн шаклда (университетнинг masters.kiut.uz платформаси орқали) тақдим қилиш орқали рўйхатдан ўтилади:

- паспорт ёки ID гувоҳнома нусхаси (рангли);
- олий таълим дипломи ва унинг иловаси нусхалари (рангли);
- электрон шаклдаги фотосурат (3,5 см×4,5 см ҳажмдаги охирги 3 ой ичida туширилган бўлиши);
- агар мавжуд бўлса, чет тилини билиш даражасини тасдиқловчи IELTS - 6.0 / CEFR - B1/ TOEFL - 58/ TOPIK - 3 ва ундан юқори натижали расмий сертификат нусхаси (рангли).

28. Магистратурага хужжатлар **кузги семестр учун – 1 июндан 30 июлгача ҳамда баҳорги семестр учун 1 ноябрдан 1 декабргача** қабул қилинади (3-илова).

29. Магистратурага кириш синови умумий баллари қўйидагилардан ташкил топади:

- магистратурага киришда танлаган мутахассислик бўйича билим даражасини белгиловчи маҳсус фанлардан синови ўтказилади (баҳолаш мезони 100 баллик тизимда ташкил этилади);
- олий таълим муассасаси битирувчисининг умумий рейтинги ёки ўзлаштириш кўрсаткичи (ўзлаштириш тегишли равишда 55 баллдан 100 баллгача бўлган диапазонда ифодаланади) аниқланади.
- магистратурага ўқишга киришда энг кўп тўпланиши мумкин бўлган (максимал) балл — 200 баллни ташкил этади.

30. Абитуриентлар магистратура мутахассислигига мувофиқ келувчи таълим йўналишининг кириш имтиҳонлари маҳсус фанлардан ёзма, ижодий, сухбат ва тест синовлари тартибида ўтказилади.

31. Магистратура мутахассислигига кириш синовларининг ўтказиш шакли ва фанлар бўйича синов дастурлари ҳамда абитуриентларнинг билимларини баҳолаш мезонлари университетнинг ректори томонидан тасдиқланади ва кириш синовлари бошланишидан камида бир ой аввал абитуриентлар эътиборига етказилади.

32. Кириш имтиҳонлари университет Қабул комиссиясининг қарорига мувофиқ белгиланган тартибда ўтказилади.

33. Кириш имтиҳонлари ўтказилишига қадар, Қабул комиссияси томонидан синов фанлари бўйича маслаҳатлар ташкил этилади. Маслаҳатлар жадвали Қабул комиссияси томонидан ишлаб чиқилади ва ректор томонидан тасдиқланади.

34. Кириш имтиҳонларини ўтказиш учун университет ректорининг буйруғи билан ҳар бир синов фанлари бўйича маҳсус комиссиялар ташкил этилади.

35. Шакллантирилган синов фанлари бўйича Қабул комиссия таркиби Университетнинг етук ва тажрибали профессор-ўқитувчилари

таркибидан ташкил этилади. Зарур ҳолларда унинг таркибига бошқа университетнинг профессор-ўқитувчилари ҳам жалб этилиши мумкин.

36. Шакллантирилган синов фанлари бўйича Комиссия раис(лар)и зиммасига қуидаги масъулият юкланади:

- кириш синовлари сифатли ўтказилишини таъминлаш мақсадида Комиссия таркиби малакали, талабчан ва адолатли профессор-ўқитувчиларни жалб этиш;

- комиссия аъзоларининг вазифаларини белгилаш (маслаҳатлар беришни ташкил этиш, имтиҳон саволларини тузиш, жавобларни баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиш ва бошқалар);

- синов жараёнига раҳбарлик қилиш ва назорат этиш.

37. Магистратура мутахассисликларига кириш имтиҳонлари фанлари бўйича синовларни ўтказиш тартиби (профессор-ўқитувчиларни аудиторияларга тақсимлаш, жавобларни шифрлаш ҳамда текшириш ва ҳоказолар) университет Қабул комиссияси томонидан белгиланади.

38. Кириш синовларининг натижалари, баҳолаш мезонларига мувофиқ балл билан белгиланади ва қайдномаларга киритилади. Қайдномалар фан бўйича имтиҳон комиссиясининг аъзолари, Қабул комиссиясининг масъул котиби томонидан имзоланади ва Қабул комиссиясининг раисига тақдим этилади.

39. Магистратура мутахассисликларига ўқишга қабул қилинган абитуриентларнинг синов ишлари Қабул комиссияда **2 йил** сақланади.

40. Кириш синовлари (махсус тест синовлари) ни қайта топширишга рухсат этилмайди.

41. Университет белгиланган тартибда апелляция (норозилик) комиссиясининг иши ташкил этилади.

42. Абитуриент синов натижасидан норози бўлган тақдирда, синов натижалари эълон қилинган вақтдан бошлаб **24 соат** давомида синов ишини апелляция қилиш ҳақидаги ариза билан Қабул комиссияси раиси ёки апелляция (норозилик) комиссияси раисига мурожаат этиши мумкин. Апелляция ҳақидаги аризани кўриб чиқиш муддати **уч кундан** ошмаслиги лозим.

43. Белгиланган намунаидаги контракт бланкалари олий Қабул комиссияси томонидан синов натижалари эълон қилинган кундан бошлаб берилади ва юридик шахслар учун раҳбар ва бош бухгалтер томонидан имзоланган ҳолда 3 нусхада, жисмоний шахслар учун 2 нусхада расмийлаштирилади. Қабул комиссияси томонидан тўлов-контракт асосида ўқишга тавсия этилган абитуриентлар учун тўлов ҳар йили контракт шартларида кўрсатилган муддатларда амалга оширилади. Контракт шартлари ва томонларнинг мажбуриятлари, уларни амалга ошириш тартиби қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

44. Қабул комиссиясининг магистратурасига қабул қилиш тўғрисидаги қарорига мувофиқ тўлов-контракт асосида ўқишга қабул қилиш юридик ёки жисмоний шахслар томонидан ўқиш учун белгиланган маблаг миқдори шартномада белгиланган муддатларидан кечикирилмай, белгиланган тартибда ўтказилгандан сўнг, университет Ректорининг буйруғи билан расмийлаштирилади.

VII. УНИВЕРСИТЕТНИНГ МАГИСТРЛАР ТАЙЁРЛАШГА ҚЎЙИЛАДИГАН УМУМИЙ ТАЛАБЛАРИ

45. Аниқ мутахассислик бўйича магистрлар тайёрлашга қўйиладиган талаблар халқаро ҳамда миллий стандартларга асосланган ҳолда магистратура мутахассислари малака талаблари билан белгиланади.

46. Магистратура талабаси (магистр):

- олий таълим тизимида педагогик фаолиятни олиб боришга;
- танланган мутахассислиги бўйича илмий-тадқиқот, илмий-педагогик ва касбий фаолиятни мустақил юритишга;
- касбий фаолиятда замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланишга;
- олий таълим муассасасидан кейинги таълимни магистрлик тайёргарлигига мувофиқ мутахассислик бўйича катта илмий ходим-изланувчилар университетида давом эттиришга;
- кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимида қўшимча касб таълими олишга тайёрланади.

47. Магистр ўз мутахассислиги, илмий ва илмий-педагогик тайёргарлигига мувофиқ касбий фаолиятининг қўйидаги турлари:

- илмий-педагогик;
- илмий-ижодий;
- илмий-тадқиқот ва тажриба;
- лойиҳа-конструкторлик;
- лойиҳа-технологик;
- ишлаб чиқаришда бошқарув, шунингдек бакалавриат таълим йўналишига мувофиқ бошқа фаолият турлари бўйича ҳам шуғулланиши мумкин.

VIII. МАГИСТРАТУРА ТАЛАБАЛАРИНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

48. Тошкент Кимё халқаро университети Ички тартиб қоидалари ҳамда академик этика тартиб-таомилларининг устуворлигини таъминлаш мақсадида магистратура талабаларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари белгиланади.

49. Магистратура талабаларининг ҳуқуqlари:

- таълим, фан, маданият, техника, иқтисодиётни, ижтимоий ва бошқа соҳаларни ривожлантиришнинг замонавий тенденцияларига мувофиқ билимларни олишлари ҳамда ўз илмий салоҳиятларини ривожлантириб бориш;
- университет фаолияти, хусусан магистратура фаолияти билан боғлиқ муҳим масалаларни кўриб чиқиш ва ҳал қилишда бевосита иштирок этиш;
- университет ахборот-ресурс марказлари хизматларидан, шу жумладан ўқув-методик ва илмий адабиётлардан, шунингдек

университетнинг уставида белгиланган тартибда бошқа турдаги пуллик ҳамда бепул хизматлардан фойдаланиш;

- илмий-тадқиқот ишларида, конференциялар ва симпозиумларда иштирок этиш;
- ўз илмий-тадқиқот ишларини илмий нашрларда чоп этиш;
- университет Кенгаши тавсиясига мувофиқ етакчи хорижий ва республика таълим (илмий) муассасаларида амалиёт ўташ, стажировкада бўлиш ёки магистрлик диссертациясининг тажриба-синов қисмларини бажариш учун ушбу муассасалар билан тегишли келишувлар мавжуд бўлганда уларга йўлланма олиш;

- университет раҳбариятининг қарорларидан норози бўлган тақдирда тегишли идораларга белгиланган тартибда шикоят қилиш;

Магистратура талабаси қонунчиликда ёки университет уставида белгиланган бошқа ҳуқуқларга эга бўлиши мумкин.

50. Магистратура талабаларининг мажбуриятлари:

- умуминсоний қадриятлар, шахснинг қадр-қиммати, ор-номуси, қонуний манфаатлари ҳамда ҳуқуқларини ҳурмат қилиши, академик этикага қатъий риоя қилиши;
- магистратуранинг тегишли мутахассислиги бўйича ўқув режалари ва фан дастурларида назарда тутилган билим ва кўникумларни эгаллаш, ўзлаштириш ҳамда ривожлантириш;
- ўқув режада назарда тутилган барча турдаги топшириқларни, илмий-педагогик амалиёт топшириқлари ҳамда ҳисоботини, шунингдек, магистрлик диссертациясини тайёрлаш ҳамда ҳимоя қилишни белгиланган муддатларда тўлиқ бажариш;
- университетнинг мол-мулки ва адабиёт фондини эҳтиёт қилиши, унинг ҳудуди, ўқув хоналари, умумий фойдаланиш жойларида тозалик ва тартибга риоя қилиши, университет мулкини асраб-авайлаш;
- университетнинг устави талабларига ва Ички тартиб қоидаларига риоя этиш.

Магистратура талабасига қонунчиликка мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам юклатилиши мумкин.

IX. МАГИСТРАТУРАДА ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

51. Магистратурада таълим жараёни мазкур Низомнинг 2-бандида қайд этилган қонунчилик нормалари ҳамда Университет Кенгаши томонидан тасдиқланадиган аниқ магистратура мутахассислиги ўқув режалари ва дастурларига мувофиқ ташкил этилади.

52. Магистратурада таълим ҳамда илмий жараённи ташкил этишга қуйидаги талаблар қўйилади:

- Университетнинг магистратура мутахассислари бўйича илмий-педагогик кадрлар билан, шу жумладан, кадрлар тайёрлаш ихтисослиги ва йўналишига мос келувчи профессорлар ва доцентлар билан таъминланганлиги;

- назарий, лаборатория машғулотларини ўтказиш, илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш, шу жумладан, магистрлик диссертацияларига қўйиладиган талабларга мос ҳолда уларни тайёрлаш учун зарур ўқув-методик ва моддий-техника базанинг мавжудлиги;

- ўқув режалари ва дастурларига мувофиқ ташкилотларда магистратура талабаларининг амалиётлари, стажировкаси ва магистрлик диссертацияларининг тажриба-синов қисмларини бажариши учун бу ташкилотлар билан Унивеситет (бўлимлар, кафедралар) ўртасида тузилган шартномалар ва келишувларнинг мавжудлиги;

- магистратура талабаларини тайёрлаш жараёнига илмий муассасалар, тармоқ илмий-изланувчилик ва лойиҳа муассасаларининг етакчи олимлари, шунингдек хорижий олимлар, юқори малакали, тажрибали мутахассисларнинг қўшимча равишда соатбай асосида жалб этилганлиги.

53. Магистратура мутахассисликларининг ўқув режалари ва ўқув дастурлари мазмуни олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлашнинг бирламчи ва бошланғич босқичи сифатида мутахассислик бўйича чуқур фундаментал ва амалий билимлар беришни назарда тутган ҳолда шакллантирилади.

54. Магистратура мутахассисликларининг ўқув режаси ва ўқув дастурини амалга оширишда ўқитилаётган фанларга фан номзодлари, фалсафа доктори (PhD), доцентлар, фан доктори (DSc) ва профессорлар, илмий, педагогик ва ижодий унвонларга (даражаларга) эга бўлган юқори малакали мутахассис ва амалиётчилар жалб этилиши лозим.

55. Университетнинг магистратура мутахассисликларининг ўқув режалари ва ўқув дастурлари олий таълимнинг бакалавриат таълим йўналишларининг ўқув режалари ва ўқув дастурлари билан узвийлиги ва узлуксизлигини таъминлаган ҳолда олий таълимнинг халқаро ва миллий стандартлари, магистратура мутахассисликларининг малака талаблари асосида ишлаб чиқилади. Ўқув режалар таркибига ўзлаштирилиши мажбурий бўлган фанлар (мажбурий фанлар) блоки, танлаб ўзлаштириладиган фанлар (танлов фанлари) блоки ва илмий фаолият блоки киради.

56. Таълим йўналишлари ва мутахассисликлари ҳамда тегишли соҳаларнинг ўзига хос хусусиятларига мувофиқ ўқув режаларидаги блоклар таркиби ўзгартирилиши мумкин.

57. Магистратура мутахассисликларининг ўқув режалари ва ўқув дастурларини ўзлаштиришда таълим олувчилар аудитория машғулотлари билан бир қаторда ўқув фанлари бўйича мустақил машғулотларни бажариши ва мустақил билим олиши назарда тутилиши лозим.

58. Магистратура мутахассисликларининг ўқув жараёни ўқув режаларига мувофиқ якуний аттестацияси (магистрлик диссертациясининг химояси) билан тугалланади.

59. Ўқув режанинг ўқув фанлари блоклари мазмунига қўйиладиган минимал талаблар:

- **мажбурий фанлар блоки** – илмий тадқиқот методологияси, илмий изланиш ва таҳлил, эмпирик ва назарий тадқиқот усуллари, маҳсус

фанларни ўқитиш методикаси, педагогик технологиялар, таълимнинг замонавий усуллари, мутахассисликка доир долзарб ва чуқур илмий, методологик, илмий-техник, технологик билим, ўқув, кўникма ва компетенцияларни таълим олувчиларда шакллантириши ҳамда муайян докторантурга мутахассислиги бўйича келгусида таълимни давом эттиришга замин яратиши лозим;

- **танлов фанлари блоки** – мутахассислик бўйича таълим олувчилар қўшимча чуқур назарий ва амалий билим ҳамда кўникмаларни ўзлаштиришини, инновацион усуллар ва соҳанинг зарурий омилларини ҳисобга олган ҳолда илмий, педагогик ва касбий компетенцияларини кенгайишини таъминлаши, таълим траекторияларига мувофиқ магистр даражасидаги билим ва малакаларни ўзлаштиришга имкон яратиши лозим.

- **илмий фаолият блоки** – илмий-тадқиқотлар назарияси ва амалиёти ўзлаштирилишини, таълим олувчилар томонидан ихтисослашган илмий ва таълим муассасаларида муайян илмий-тадқиқот ҳамда илмий-педагогик ишлар бажарилишини назарда тутиши лозим.

Бунда:

- илмий-тадқиқот амалиёти таълим олувчилар мустақил тадқиқотчилик фаолиятининг амалий кўникмаларини ҳосил қилиши, илмий-тадқиқотлар ўтказиш, уларнинг натижаларини таҳлил қилиш ва акс эттириш, замонавий ахборот базаларини қўллаш, илмий мақолалар ва магистрлик диссертациясини тайёрлашга доир билим, ўқув ва кўникмаларни шакллантириши лозим;

- илмий-педагогик амалиёти замонавий педагогик ва ахборот технологияларидан, ўқув-тарбия ишларининг интерактив усулларидан фойдаланган ҳолда педагогик фаолият маҳорати ва кўникмаларини шакллантириши, ўқув жараёнини илмий-услубий жиҳатдан таъминлашни ташкил этишга доир компетенция ҳамда кўникмаларни ҳосил қилиши лозим.

60. Барча таълим соҳалари учун назарий ва амалий таълим ҳажмининг камида 95 % умумметодологик ва мутахассислик фанларидан ташкил топган мажбурий ва танлов фанлари блокларидан иборат бўлиши лозим.

61. Илмий-тадқиқот амалиёти тақозо этганда якка тартибда илмий изланиш ва тажриба-синовларни ўтказиш мақсадида тажриба орттириш жараёни ташкил этилади. Бунда, тажриба орттириш жараёнига йўлланган магистратура талабаси якка тартиbdаги иш режаси асосида бажариши кўзда тутилади. Тажриба орттириш магистратура талабаси(лари)нинг илмий-тадқиқот олиб бориши, назарий ва амалий билимларини чукурлаштириш, муайян соҳа ва тармоқдаги замонавий техника ва технологиялар билан танишиши, амалий касбий ва илмий-тадқиқот компетенцияларини шаклланиши, касбга самарали мослашувини таъминлаши лозим.

62. Магистратура мутахассислари бўйича ўқув режалар таълим даврининг тўлиқ меъёрий муддати учун (биринчи курсдан якуний курсгача) ишлаб чиқилади ва бу даврда уларга ўзгартириш киритиш, уларни бекор

қилиш, ўрнига бошқа ўқув режа ишлаб чиқиб татбиқ этиш университет Кенгаши қарори билан амалга оширилади.

63. Университет таълим жараёнида ўқув режалари ҳамда ўқув юкламалари ҳажмини режалаштиришда битта кредит 15 академик соатга тенглиги инобатга олиниши ҳамда муайян фандан тегишли кредитларни тўплаши учун маълум миқдордаги ўқув юкламасини ўзлаштириши зарур бўлади.

64. Ўқув режалари ҳамда ўқув юкламаларидаги кредитнинг соатлардаги миқдори Университет кенгаши томонидан белгиланади ҳамда унинг қарори асосида расмийлаштирилади.

65. Университет таълим жараёнида ўқув режалари ҳамда ўқув юкламалари ҳажми барча турдаги аудитория ва аудиториядан ташқари ўқув ишларини ўз ичига олган ҳолда бир ўқув йили учун 40-60 кредит, бир семестр учун 20-30 кредит қилиб белгиланади.

66. Академик соатнинг давомийлиги – 50 минут. Академик соат тугагандан сўнг 10 дақиқалик танаффус берилади.

67. Магистратура мутахассислигига ўқув режасини муваффақиятли эгаллаш учун танланган мутахассислик ўқув режасида белгиланган кредитни ўзлаштириши шарт ҳисобланади.

68. Магистратура талабасининг ўқув-методик, илмий-тадқиқот, педагогик ишлари, амалиёт, стажировкани ўташи ва магистрлик диссертациясини тайёрлаш бўйича фаолияти магистратура талабасининг календарь иш режасига биноан амалга оширилади (4-илова).

69. Магистратура талабасининг календарь иш режаси мазмуни ва таркиби илмий раҳбар билан биргалиқда ишлаб чиқилади ҳамда Ўқув ишлари бўйича проректор (филиалларда ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари) томонидан тасдиқланади. Магистратура талабаси ўзининг календарь иш режаси бажарилиши бўйича ҳар ойда кафедра йиғилишида ҳисбот беради. Ҳар ўқув семестри якунида мутахассислик кафедралар мудирлари магистратура талабасининг календарь иш режаси бажарилиши юзасидан ҳисботни Магистратура бўлимига тақдим этади.

70. Илмий фаолият магистратура талабаларининг шахсий календарь иш режаси асосида амалга оширилади ва қўйидагиларга бўлинади:

- илмий-тадқиқот иши ва магистрлик диссертациясини тайёрлаш — 60-70 %;

- илмий-педагогик иш ва малака амалиёти — 30-40 %.

71. Магистратура талабаларининг илмий-тадқиқот иши ва магистрлик диссертациясини тайёрлаш тартиби ва малака амалиёти (тажриба ортириш)ни ўташ тартиби университет Кенгаши қарорига асосан ректор буйруғига мувофиқ белгиланади ҳамда амалга оширилади.

Х. МАГИСТРАТУРАДА ПЕДАГОГИК ФАОЛИЯТГА ЖАЛБ ЭТИЛАДИГАН ҮҚИТУВЧИЛАРГА ҚҮЙИЛАДИГАН УМУМИЙ МАЛАКА ТАЛАБЛАРИ

72. Магистратурада педагогик фаолиятга жалб этиладиган профессор-үқитувчи ўзининг таълим ҳамда илмий жараёни доирасида:

- ҳамма турдаги ўқув машғулотларини юқори даражада ўтади;
- ўқув, илмий ва ўқув-методик ишларни режалаштиради, ташкил этади ва назорат қиласди;
- илмий-тадқиқот ишларига ва магистратура талабаларининг магистрлик диссертацияларини тайёрлаш жараёнига раҳбарлик қиласди;
- кафедра ихтисослиги бўйича илмий, илмий-тадқиқот семинарларини ташкил этади ҳамда уларда иштирок этади;
- магистратура талабаларининг илмий семинарларини бошқаради;
- кафедра педагоглари томонидан барча турдаги ўқув машғулотлари сифатли ўtkазилиши устидан назорат қиласди;
- магистратуранинг тегишли мутахассислиги бўйича ўқув режалари ва дастурларини ишлаб чиқади;
- кафедра илмий тадқиқотлари йўналишлари доирасида ташкил этиладиган йиғилишлар ва конференцияларда иштирок этади;
- магистратура талабаларининг мустақил ишларини режалаштиради ва ташкил этади;
- магистратура талабалари учун дарсликлар ва ўқув-методик қўлланмаларни ишлаб чиқиш ва нашрга тайёрлашда иштирок этади;
- магистратура талабасининг календарь иш режаси бажарилишини назорат қиласди.

73. Магистратурада педагогик фаолиятга жалб этиладиган үқитувчиларга қуйидаги малака талаблари қўйилади:

- фанни юқори даражада билиш ҳамда унинг назарий-методологик асосларини ҳамда муҳим ютуқларга эришиш мумкин бўлган йўлларни кўра билиш ўқувига эга бўлиш;
- илмий муаммоларни ишлаб чиқа олиш, тадқиқотлар ўтказа олиш ва уларнинг натижалари бўйича чоп этилган илмий ишлар (портфолио)га эга бўлиш;
- магистратура талабаларининг индивидуал хусусиятлари, шахсий сифатлари ва диссертациялари мақсадларини ҳисобга олган ҳолда педагогик фаолият йўналишларини белгилаш қобилиятига эга бўлиш;
- магистратура талабаларининг билим ва малакаларни әгаллаб олишга имконият берадиган инновацион педагогик технологияларни қўллашга тайёр бўлиш;
- педагогик ҳолатлар таҳлили асосида педагогик вазифаларни шакллантириш ва уларни ҳал этишнинг мақбул ечимларини топиш ўқуви;
- магистратура талабаларининг касбий қобилиятларини ривожлантиришга йўналтирилган инновацион курслар ишлаб чиқиш бўйича амалий тажрибага эга бўлиш;

- маълумотларни тизимлаштириш ва излаш орқали ўз билимини такомиллаштириш учун доимий ўрганиш, маълумотларни электрон қайта ишлашда ахборот-коммуникация ва мультимедия технологияларидан фойдаланиш маҳоратига эга бўлиш.

74. Магистратурада педагогик фаолият юритишга илмий унвон (илмий даража)га ва камидаги 3 йиллик узлуксиз илмий-педагогик (илмий) иш стажига эга бўлган, шунингдек хорижий мамлакатларнинг фалсафа доктори (Ph.D.) ёки унга тенглаштирилган бошқа илмий даражали шахслар жалб қилинади.

XI. МАГИСТРАТУРА ТАЛАБАЛАРИ БИЛИМИНИ БАҲОЛАШ ТИЗИМИ

75. Магистратура талабалари таълим дастури ва мутахассислигидан доирасида ўқитиш шаклидан қатъи назар, Университет томонидан белгиланган назорат мезонлари асосида баҳоланади.

76. Магистратура талабаларининг ўзлаштириш даражаси назорат усуллари фан ёки модуль доирасидаги талабанинг ютуқларини акс эттирувчи ва тасдиқловчи ёзма, оғзаки, амалий иш, лойиха, портфолио ва назоратлар каби турларни ўз ичига қамраб олади. Назорат мезони таълим олиш натижасига эришилганлигини акс эттириши шарт. Имтиҳон шакли тегишли кафедра мудири ҳамда Магистратура бўлими бошлиғи билан келишилади ҳамда Ўқув-услубий бошқарма (Регистратор)га ёзма равишда маълумот киритилади.

77. Магистратура талабалари учун жорий ҳамда якуний назорат имтиҳон саволномаси (вариантлари ёки махсус топшириқлар) тегишли кафедра мудири маъсул бўлади ҳамда имтиҳон бошланишидан камидаги иккита олдин тайёрланади.

78. Магистратура талабалари жорий ва якуний назорат имтиҳонлари кўп босқичли ҳамда кўп мезонли блокларга бўлинган ҳолда бўлиши тавсия этилади. Бунда, якуний назорат имтиҳон таркиб жиҳатдан бир магистратура талабасинига бир вариантда қуйидаги нисбатда бўлиши керак:

- 1-блок: Фан доирасида ўтилган барча мавзуларни қамраб олевчи камидаги 3 та саволда иборат назарий саволнома (билетлар сони камидаги 15 дан бўлиши тавсия этилади);

- 2-блок: Фан доирасида магистрант минимал билиши керак бўлган жиҳатларни қамраб олевчи камидаги 20 та саволда иборат бўлган тест синови;

- 3-блок: фаннинг магистратура мутахассислик билан узвийлиги ҳамда амалий жиҳатларини намоён қилувчи камидаги 1 та ҳолат бўйича кейсстади (муаммоли вазият) ёки масалалар тўплами;

- 4-блок: фан профессор-ўқитувчи билан ўтилган мавзулар доирасида сұхбат (бунда, профессор-ўқитувчи юқоридаги Зта блок бўйича якуний имтиҳон натижасини таҳлилий-танқидий кўриб чиқиши ҳамда ўз тавсияларини беришига алоҳида эътибор берилади).

79. Тегишли кафедралар ҳар бир блок бўйича фаннинг хусусиятидан келиб чиқсан ҳолда саволномаларни шакллантиришлари зарур. Жумладан,

1-блок бўйича саволларнинг умумий сони камида 100 дона, 2-блок бўйича тестлар сони камида 125 дона бўлиши, 3-блок бўйича эса камида 10 дона муаммоли вазият бўйича кейс шакллантирилиши шарт. 4-блокда профессор-ўқитувчи эркин ҳамда тавсияларга хос ҳолда синовдан ўтказади. Барча саволлар ва топшириқлар фаннинг ўқитилган тилига мувофиқ тайёрланади.

80. Оғзаки, амалий иш, портфолио ва шу каби бошқа лойиҳа ҳимояси шаклидаги имтиҳонлар тегишли кафедра мудири масъуллиги асосида кафедра йиғилиши баённомаси билан тасдиқланган тартибда ўтказилади ҳамда Магистратура бўлимни ҳамда Ўқув-услубий бошқарма (Регистратор)га тақдим этади.

81. Имтиҳонлар учун тайёрланган вариантларни имтиҳондан олдин бошқа шахсларга тўлиқ ёки қисман тарқатиш, кўрсатиш, муҳокама қилиш таъқиқланади. Ушбу ҳолатлар аниқланган тақдирда, айбордор ходим ёки профессор-ўқитувчи билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилиш, айбордор магистратура талабасига нисбатан талабалар сафидан чиқариш масала кўриб чиқилади.

82. Магистратура талабаларига умумий шаклидаги саволларининг жавоблари олиб ташланган ҳолдаги тест саволлари, намунавий масалалар ва ҳоказо билан, ўқитилаётган фаннинг ўзига хослигидан келиб чиқсан ҳолда, тегишли кафедралар томонидан таништирилиши мумкин. Бунда, имтиҳон ўтказиш тартиб-таомиллари ҳамда принципларига қатъий таъминланиши шарт.

83. Имтиҳон натижаларини текшириш ва баҳолаш кўпи билан 10 кун мuddатда амалга оширилиши ҳамда ҳар бир текширилган ва баҳоланганд ёзма ишда профессор-ўқитувчи ҳамда тегишли кафедра мудири томонидан ушбу баҳони асословчи изоҳ қайд этилиши талаб этилади.

84. Магистратура талабаси имтиҳон натижалари эълон қилинган кундан бошлаб 3 иш куни ичida апелляция аризасини Магистратура бўлимига ўрнатилган шаклга мувофиқ топшириши мумкин. Апелляция натижаси ариза топширилган кундан бошлаб 5 иш куни ичida кўриб чиқилади ҳамда унинг натижаси магистратура талабага эълон қилинади. Апелляцияда кўрсатилган ҳолатлар ўз исботини топган ҳолатда профессор-ўқитувчи ва тегишли кафедра мудирига нисбатан ўрнатилган тартибда тегишли чоралар кўрилади.

85. Апелляция бериш ҳуқуқини сустеъмол қилишга йўл қўйилмайди, яъни апелляция аризасида аниқ маълумотлар ва далиллар кўрсатилмаган тақдирда, апелляция тақдим этиш муддати ўтган ҳолатда ёки ўрнатилган шаклга мувофиқ тўлдирилмаганда мазкур апелляцияни қабул қилмаслик ҳуқуқига эга.

86. Магистратура талабалари амалиёти (илмий-педагогик ҳамда илмий-малакавий) жараёни магистратура мутахассислигининг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқсан ҳолда Магистратура бўлимни ва мутахассислик кафедралар томонидан тасдиқланган Низом асосида ташкил этилади.

87. Магистрлик диссертациясини ёзиш ҳамда дастлабки ва якуний ҳимояга тақдим этилишининг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқсан ҳолда

Магистратура бўлими ва мутахассислик кафедралар томонидан тасдиқланган Низом асосида ташкил этилади.

88. Ўқув режасидаги фанлар бўйича якуний имтиҳон жараёнига фан учун белгиланган умумий соатнинг 30 фойзидан ортиқ узрли сабабларсиз дарс қолдирган, шунингдек, тегишли семестрда шартнома тўловларини тўлиқ амалга оширган, шунингдек, мутахассислик кафедра мудирлари, фан профессор-ўқитувчisi ёки магистрлик диссертациясига илмий раҳбарининг Университет ректорига номига арзигулик сабаб(лар)га кўрсатилган ҳолдаги ёзма билдиришномаси асосида магистратура талабаси(лари) имтиҳонга киритилмайди.

89. Магистратура талабаси(лари) якуний имтиҳонда қатнаша олмаган тақдирда, Магистратурага бўлимига бу ҳақида хабар бериши ва машғулотларга қайтган биринчи кунида якуний имтиҳон қолдириш сабабларини тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этиши керак (касал бўлган тақдирда Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган шаклдаги тиббий маълумотномани тақдим этади). Бу ҳолатда магистратура талабасининг илгари тўплаган рейтинг баллари ҳисобга олинган ҳолда, Магистратуга бўлими бошлиғи билдиришномаси асосида индивидуал тарзда бепул якуний имтиҳон ташкил этилади.

90. Якуний имтиҳонда узрсиз сабабларга кўра иштирок этмаган магистратура талабаси тегишли фан бўйича “қониқарсиз” баҳо (FA - Fail by absenteeism) олган ҳисобланади ҳамда бир марта бепул қайта топшириш имкониятидан маҳрум қилинади.

91. Имтиҳонлар тасдиқланган ўқув жараёни графигида кўрсатилган муддатларда ўтказилади. Дарс машғулотлари давомида имтиҳон ўтказиш таъқиқланади. Зарурият бўлганда, имтиҳонлар дам олиш кунларида (расмий байрам кунларидан ташқари) ҳам ўтказилиши мумкин.

92. Имтиҳонлар тасдиқланган график асосида белгиланган вақтида ва белгиланган аудиторияда ўтказилади. Имтиҳонлар вақтини ва жойини ўзбошимчалик билан ўзgartириш ман этилади.

93. Имтиҳонлар тасдиқланган рўйхат асосида масъул назоратчилар томонидан ўтказилади. Имтиҳон ўтказиладиган аудиторияга рўйхатда бўлмаган бегона шахсларнинг кириши қатъий таъқиқланади.

94. Имтиҳон ўтказиладиган аудиторияга талабалар, белгиланган рўйхат асосида, имтиҳон бошланишидан камида 30 дақиқа олдин киритилиши бошланади. Рўйхатда бўлмаган талабаларни аудиторияга киритилиши таъқиқланади.

95. Имтиҳон бошланишидан олдин магистратура талабаси ID карта, паспорт ёки унинг ўрнини босувчи расмий ҳужжатнинг аслини аудитория назоратчисига кўрсатиши шарт. ID карта ёки шахсни тасдиқловчи ҳужжатини тақдим этмаган магистратура талабасида имтиҳонга киритилмайди.

96. Имтиҳон ўтказишнинг умумий белгиланган қоидалари бузилса, ҳужжатларнинг сохта ёки қалбакилиги, ўринга-ўрин кириш ҳолати, плагиат, ёрдамчи воситаларни олиб кириш ёки олиб киришга уриниш, ёрдамчи

воситалардан фойдаланиш каби ҳолатлар аниқланган тақдирда, мазкур магистрант(лар) имтиҳондан четлаштирилади.

97. Имтиҳон топшириш учун аудиторияга кираётган магистрантнинг ёнида ёзиш учун фойдаланадиган ҳаворанг пастали шарикли ручкадан бошқа буюмлар бўлмаслиги керак. Имтиҳон ўтказилаётган аудиторияга мобил телефон ҳамда бошқа алоқа ва телекоммуникация воситаларини олиб кириш ва/ёки улардан фойдаланиш таъқиқланади. Фаннинг хусусиятидан келиб чиқсан ҳолда имтиҳон давомида оддий калькулятор ва тегишли кафедра мудири томонидан рухсат берилган бошқа ёрдамчи воситаларидан фойдаланиш рухсати берилиши мумкин.

98. Имтиҳон бошланганидан сўнг келган, яъни кечиккан магистратура талабаси имтиҳонга фақат Институт раҳбарияти (ректор ва/ёки ўқув ишлари бўйича проректор) ёзма рухсати билан киритилади. Кечикиб келган талаба учун қўшимча вақт компенсация қилинмайди.

99. Қўйидаги ҳолларда магистратура талабаси имтиҳондан четлаштирилади ҳамда унга нисбатан тегишли интизомий ёки бошқа чораларни (талабалар сафидан чиқариш) қўллаш масаласи қўриб чиқилади:

- имтиҳонга мобил телефон, техник воситалар, “шпаргалка” ва шу каби бошқа ёрдамчи воситаларни олиб кирса, фойдаланса ёки улардан фойдаланишга ҳаракат қилса;

- имтиҳон вақтида бошқа магистрант(лар), ён атрофдагилар билан гаплашса, қоғоз алмашса, имо-ишора қилса, ёрдам берса ёки ёрдам сўраса, ўринга-ўрин кирса;

- имтиҳон вақтида қолган магистрант(лар) ва назоратчиларга халақит берса, шовқин қилса;

- жавоблар варағига белгиланган тартибдан ташқари турли ёзувлар, белгилар ёки “илтимосномалар” қайд этилган бўлса.

100. Магистратура талабаси имтиҳондан четлаштирилган тақдирда ўрнатилган тартибда далолатнома тузилади, фан бўйича “қониқарсиз” баҳо олганга тенглаштирилади ҳамда бир марта бепул қайта топшириш имкониятидан маҳрум қилинади.

101. Имтиҳон бошланишидан олдин аудиторияга масъул назоратчи талабаларга ёзма иш вариантларини ва маҳсус ёзма иш варақаларини тарқатиб чиқади. Зарур бўлса қўшимча материалларни тақдим этиши мумкин.

102. Имтиҳон вақтида ҳожатга чиқиш мумкин бўлади, аммо 10 дақиқадан кўп бўлган муддатга аудиториядан чиқиб кетса, мазкур магистратура талабаси аудиторияга қайта киритилмайди.

103. Имтиҳонга ажратилган вақт тугаши билан талабалардан ёзма иш варақаларини қабул қилиш тўхтатилади.

104. Имтиҳон тугаши билан ёзма ишлар варақалари, уларнинг имзоланган рўйхатлари, тузилган далолатномалар ҳамда ортиқча ёзма иш варақалари аудиторияга масъул назоратчи томонидан Магистратура бўлимига қайтариб берилади. Магистратура бўлими барча фанлар бўйича умумий ҳужжатларни Ўқув-услубий бошқарма (Регистратор)га тақдим этади.

105. Фан дастурида (силлабусда) белгиланган баҳолаш тартиби ҳамда ижобий баҳолар доирасида баҳоланган, яъни даражаси “D” ва ундан юқори бўлган тақдирдагина кредит(лар) берилади. Магистратура талабаси белгиланган таълим олиш натижаларига эриша олмаган тақдирда, кредитлар берилмайди.

106. Магистратура талабасининг ўқув машғулотлардаги иштироки ва ўзлаштиришни ҳисобга олган ҳолда ҳар бир фан бўйича қуйидагича баҳоланади:

Даражा	Балл	Рейтинг	
A+	95 - 100 балл	4.5	OUTSTANDING
A	90 - 94 балл	4.0	
B+	85 - 89 балл	3.5	VERY GOOD
B	80 - 84 балл	3.0	
C+	75 - 79 балл	2.5	GOOD
C	70 - 74 балл	2.0	
D+	65 - 69 балл	1.5	CONDITIONAL PASS
D	60 - 64 балл	1.0	
F	59 ва ундан паст	0.0	FAIL
FA	*Fail by absenteeism	0.0	FAIL
S	*Satisfactory
U	*Unsatisfactory
TP	*Thesis in progress
I	*Incomplete
W	*Withdrawn
E	*Exemption
T	*Transfer

107. Магистратура талабаси курсдан курсга ўтиши учун ўқув йили давомида ўқитилган ўқув юкламаси бўйича жами кредитларнинг камида 50% ни тўплаган бўлиши шарт. Агар кредитларни ўзлаштириш даражаси 50% кам бўлган магистрантлар бўйича алоҳида тушунтиришлар берилади ҳамда ўқишини давом эттириш ёки эттирмаслиги бўйича қарор қабул қилинади. Мазкур тушунтириш ишлари йиғилиш баённомаси шаклида қайд этилади ҳамда Ўқув-услубий бошқармага тақдим этилади.

108. Магистратура талабаси магистр даражасини олиш учун 1.00 дан кам бўлмаган CGPA га эга бўлиши ва ўқитилган фанлар бўйича камида “D” даражасига эга бўлиши шарт.

109. CGPA 4.00 ва 4.50 орасида “HIGH HONOURS” даражаси берилади.

110. CGPA 3.00 ва 3.99 орасида “HONOURS” даражаси берилади.

111. CGPA 1.00 ва 2.99 орасида бўлганда “SATISFACTORY” даражаси берилади.

112. 18.8. GPA 0.00 ва 0.99 орасида бўлганда “UNSATISFACTORY” даражаси берилади ҳамда “академик огоҳлантириш” эълон қилинади. Огоҳлантириш олган магистрант қониқарсиз топширилган фанларни қайта топшириши ёки қайта ўқиши зарур бўлади.

113. Магистратура мутахассисликларида назорат турлари бўйича рейтинг улушлари қуйидагича:

- Жорий назорат - 30%;
- Якуний назорат - 70%.

114. Жорий назорат мөзөонлари тегишли профессор-үқитувчи томонидан мустақил равишда белгиланади. Якуний назорат мөзөонларига ўзгартириш киритиш Университет ректори ёки ўқув ишлари бўйича проректор рухсати асосида амалга оширилади.

115. Тегишли кредитларни тўпламаган магистратура талабаси қайта ўқиш учун ўзидан кейинги курснинг қарздор бўлган дарс машғулотларига кириш учун таклиф ишлаб чиқилади. Ўқув семестр ва ўқув йили якуни натижалари бўйича академик қарздорлиги бор магистратура талабалари ўқишидан четлаштирилмайди.

116. Қарздор бўлган фанларни ўзлаштириш учун ўзидан кейинги курс дарс машғулотларига қатнашиши Университет томонидан мос равишда шартнома асосида ташкил этилади. Шартнома асосида бир курсда қайта ўқиш сони чегараланмайди.

117. Жами таълим олиш муддати магистратура талабалари учун биринчи курсга ўқишга қабул қилинганидан сўнг 4 ўқув йилигача деб белгиланади.

XII. МАГИСТРИК ДИССЕРТАЦИЯСИ МАВЗУНИ ТАНЛАШ ВА ИЛМИЙ РАҲБАРНИ ТАЙИНЛАШ

118. Магистрлик диссертацияларининг мавзулари ҳар ўқув йилининг дастлабки икки ойидан кечиктирилмаган ҳолда ушбу Низомнинг З-иловасида белгиланган шаклда магистратура мутахассисликлари мавжуд кафедралар томонидан шакллантирилади ҳамда Магистратура бўлимига тақдим этилади.

119. Магистрлик диссертацияларининг мавзулари долзарб илмий-тадқиқот масалаларига ёки аниқ амалий вазифаларни ҳал этишга бағишиланади. Бунда мазкур тармоқ ёки соҳага тегишли долзарб масалалар, ҳукуматнинг ижтимоий-иктисодий ҳамда мутахассисликка доир масала ва муаммоларини қисман ҳал этишга қаратилган бўлиши керак.

120. Магистратура мутахассисликлари мавжуд кафедралар томонидан тақдим этилган ва Университет кенгашида мухокама қилинган магистрлик диссертациялари мавзулари ва уларнинг илмий раҳбарлари (илмий маслаҳатчилари) Илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректор тақдимномасига асосан ректорининг буйруғи билан тасдиқланади.

121. Магистрлик диссертациясига илмий раҳбарлик университетда ишлайдиган профессорлар, фан докторлари, доцентлар, фан номзодлари, илмий муассасалари олимлари, ташкилотларнинг юқори малакали ва тажрибали мутахассислари томонидан амалга оширилади.

122. Магистратура талабасига университетда фаолият юритмайдиган профессор-үқитувчи ёки ходимлардан унга илмий раҳбар тайинланиши мумкин. Бунда магистратура талабасига қўшимча равишда мутахассислик кафедра профессор-үқитувчилари таркибидан илмий маслаҳатчи ҳам тайинланади. Бунда, белгиланган талабларга мувофиқ илмий маслаҳатчи

магистрлик диссертациясини бажариш доирасида илмий раҳбар билан бир хил масъулият юклатилади.

123. Магистратура талабасига университетда фаолият юритмайдиган профессор-ўқитувчи ёки ходимлардан бўлган илмий раҳбар меҳнатига ҳақ тўлаш Университет раҳбарию билан келишинган ҳолда белгиланган тартибда меҳнатга соатбай ҳақ тўлаш шартлари бўйича бир ўқув йилига бир магистратура талабаси учун 50 соатдан ошмаган ҳажмда амалга оширилади.

124. Магистрлик диссертациясига илмий раҳбарлик қилиш профессор ёки фан доктори учун бештагача, шунингдек доцент, фан номзоди ва етакчи мутахассисга уттагача магистрлик диссертациясига раҳбарликни амалга ошириши мумкин.

125. Илмий раҳбар (илмий масалаҳатчи)нинг мажбуриятлари:

- тадқиқот мавзууси доирасида юзага келиши мумкин бўлган масалалар бўйича тизимли равишда ёрдам бериш мақсадида маслаҳатлар жадвалини тузиш;
- тадқиқот усулларини танлашда иштирок этиш ва уларни тадқиқот ишида қўллашда магистратура талабасига қўмаклашиш;
- магистратура талабасининг белгиланган календарь иш режаси бўйича ишларнинг бажарилишини ва магистрлик диссертацияси ўз вақтида тайёрланишини назорат қилиш;
- дастлабки ҳимоягача магистрлик диссертациясига хulosса бериш.

XIII. МАГИСТРЛИК ДИССЕРТАЦИЯСИННИГ ТУЗИЛИШИ ВА УНИНГ МАЗМУНИГА ҚЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР

126. Магистрлик диссертациясининг таркибий тузилиши (лойиҳа режаси) тегишли мутахассислик кафедрасида муҳокамасидан ўтказилади. Диссертациянинг тегишли боб ва қисмлари кесимида тадқиқ этилаётган муаммо ва унинг назарий-амалий ечимлари манбалар асосида мантиқий кетма-кетлиқда асосли ёритилиши якуний хulosса ва тавсиялари мазмунининг ўзаро мантиқан яхлитлигини таъминлашга қаратилиши муҳим ҳисобланади.

127. Магистратура талабаси магистрлик диссертациясини тайёрлаш жараёнида:

- илмий изланишлар олиб бориши, касбий муаммоларни кўра олиши ва уларни ечишнинг умумий усуллари ва йўлларини ўрганиши;
- ўқув-тадқиқот давомида олинган ахборотларни матн, жадвал ёки тасвирлар (чизма, расм) шаклида мужассамлантира олиши;
- танланган мавзунинг долзарблигини асослаши;
- соҳа бўйича ечилаётган илмий масала-муаммоларни таҳлил қилиши;
- қўйилган масалани ечиш услубларини кўриб чиқиши ва энг самаралисини аниқлаши;
- энг самарали муқобил ечимни илмий жиҳатдан асослаб бериши;

- илмий масала ечимининг натижалари бўйича хулоса ва тақлифларни шакллантириши ҳамда иқтисодиётнинг тегишли тармоқ ва соҳаларида қўллаш имкониятларини аниқлаши лозим.

128. Магистрлик диссертацияси қўйидаги таркибий қисмлардан иборат бўлиши керак:

- титул варак;
- икки тилда (ўқитиш тили ва инглиз тилида) магистрлик диссертациясининг қисқача аннотацияси;
- мундарижа;
- кириш;
- асосий қисм;
- хулоса;
- адабиётлар рўйхати;
- иловалар (мавжуд бўлса).

129. Магистрлик диссертациясининг кириш қисмида қўйидагилар қисқача ўз ичига олиши лозим:

- магистрлик диссертацияси мавзусининг асосланиши ва унинг долзарблиги;
- тадқиқот обьекти ва предмети;
- тадқиқот мақсади ва вазифалари;
- илмий янгилиги (илмий гипотеза ва унинг асосланиши);
- тадқиқотнинг асосий масалалари ва фаразлари;
- тадқиқот мавзуси бўйича адабиётлар шархи (таҳлили);
- тадқиқотда қўлланилган методиканинг тавсифи;
- тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти;
- иш тузилмасининг тавсифи.

130. Магистрлик диссертациясининг асосий қисми камида уч бобдан иборат бўлган ҳолда қўйидагиларни ўз ичига олиши лозим:

- тадқиқот мавзусига тааллуқли бошқа манбаларда келтирилган назарий, амалий ва эмпирик тадқиқотлар натижаларининг танқидий таҳлили;
- тадқиқот методикаси ва ишнинг амалий қисми баёни;
- тадқиқот олиб борилган масалани ҳал этишда магистратура талабасининг шахсий ҳиссаси кўрсатилган ҳолда тадқиқотнинг асосий натижалари баёни.

131. Магистрлик диссертациясининг хулоса қисмида барча бобларда қайд этилган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти, шунингдек илмий тадқиқот муаммосини ҳал этиш бўйича хулосалар ёритилади. Хулоса қисми 5 саҳифадан ошмаслиги керак.

132. Магистрлик диссертациясига унинг мазмунини баён этиш учун бевосита зарур бўлган қўшимча маълумотларни ўз ичига олган материаллар илова қилиниши мумкин. Илова қисмининг ҳажми магистрлик диссертацияси умумий ҳажмининг учдан бир қисмидан ошмаслиги лозим.

133. Магистрлик диссертацияси устида ишлаётган магистратура талабаси касб одоб-ахлоқи қоидаларига риоя этиши (плагиат,

маълумотларни сохталашибириш, шунингдек ёлғон цитаталар келтиришга йўл қўймаслик) лозим.

134. Диссертация матни стандарт варақда ёзилган бўлиб, унда қуйидаги қоидаларга риоя этилган бўлиши лозим:

- қаторлар оралиғи — 1,5 см;
- юқори ва пастки ҳошия 2 см, сатр боши: чап томондан 3 см, ўнг томондан 2 см;
- хатбошилар орасидаги оралиқ — 5 ёки 6 белгили.
- Магистрлик диссертацияси матнини Microsoft Word матнли редакторида Times New Roman, 14 шрифтида ёзиш тавсия этилади.

135. Магистрлик диссертациясининг ҳажми титул варақ, мундарижа, адабиётлар рўйхати ва иловалардан ташқари 70-80 сахифа бўлиши тавсия этилади.

136. Диссертациянинг титул варағини намунага мос равища расмийлашибириш талаб этилади.

137. Диссертациянинг боблари рим рақамлари билан I боб, II боб, III боб тарзида рақамланади ва сарлавҳаларга эга бўлади. Параграфлар эса, бобларга мос равища 1.1, 1.2, 1.3 ёки 2.1, 2.2, 2.3 тарзида араб рақамлари билан рақамланади ва сарлавҳаларга эга бўлади. Ҳар бир боб ва параграф сарлавҳаларининг юқори ва пастки қисмидан 12 ўлчамли (12 пт) оралиқ қолдирилиши керак.

138. Диссертация матнида фойдаланилган адабиётдан олинган биринчи ҳавола, яъни иқтибос у жойлашган бетнинг пастки қисмida 1 рақамида (¹ -матн юқорисидаги белги тарзида) келтирилади. Кейинги иҳтибос ҳам шу тариқа кетма-кетлиқда рақамланади. Иқтибос матнини Microsoft Word матнли редакторида Times New Roman, 10 шрифтида келтирилиши тавсия этилади.

139. Магистрлик диссертациясида келтирилган сурат, график, чизма, диаграмма ва шу кабилар расм сўзи билан ифодаланиб, улар матнда қулай тарзда жойлашибирилиши лозим. Расмлар диссертация боблари тартиб рақами кўрсатилган ҳолда кетма-кетлиқда келтирилади (масалан: 1.1-расм, 1.2-расм ва шу тарзида) расмнинг тартиб рақами ва номи унинг пастки қисмida жойлашибирилади (диссертациянинг иловаларда келтирилган расмлар бундан мустасно). Расмга изоҳ берилиши, унинг манбаси келтирилиши талаб этилади. Диссертацияда статистик материаллар жадвал кўринишида расмийлашибирилиши мумкин.

140. Жадваллар тегишли боблар тартиб рақами кўрсатилган ҳолда кетма-кетлиқда (масалан: 1.1-жадвал, 1.2-жадвал ва шу тарзда) жадвалнинг юқори ўнг бурчак қисмida, жадвалнинг номи келтирилган ҳолда унинг юқори қисмida жойлашибирилади. Жадвал ва расмлар бир варақдан ошиб кетмаслиги лозим. Агар ҳажми бир варақдан ошадиган бўлса, уни иловада акс эттириш мақсадга мувофиқдир.

141. Диссертация матнида формула мавжуд бўлса, унда катта ва кичик ҳарфлар, юқори ва пастки индекслар “Microsoft Word” матн редакторининг “Формула” функцияси ёрдамида аниқ келтирилиши шарт.

Формула ва тегишли материал “LaTeX” форматида берилиши мүмкін. Формулада белгиларнинг ўлчами ифодаланиши қуйидагича бажарилиши тавсия этилади:

- катта ҳарфлар ва рақамлар 5-6 мм;
- кичик ҳарфлар 3 мм. дан кам бўлмаган кўринишда;
- даража кўрсаткичлари ва индекслари 2 мм.дан кам бўлмаган ҳажмда.

Формула белгиларининг изоҳи бевосита унинг қуви қисмида формуладаги уларнинг кетма-кетлиги бўйича келтирилади. Формула белгиларининг маънолари биринчи қатори бунда сўзи билан икки нуқтасиз бошланади. Ҳар бир белгининг маъноси янги қатордан бошланиши лозим.

Формулалар матнда алоҳида бўш қаторлар билан ажратиб ёзилади. Ҳар бир формуланинг юқори ва пастки томонларидан 12 ўлчамли (12 пт) оралиқ қолдирилиши талаб этилади. Формула битта қаторга сиғмаган ҳолда сиғмаган қисми тенглик белгиси “=” ёки қўшиш “+”, айриш “–”, кўпайтириш “x” ва бўлиш “:” белгиларидан кейин кўчирилиши керак. Ҳар бир формула, у жойлашган боб тартиб рақами кўрсатилган ҳолда кетмакетлиқда, масалан: (1.1), (1.2) ва шу каби тарзда формуланинг ўнг томонида қавс ичида келтирилади.

142. Диссертация матнида фойдаланилган расм, жадвал ёки формулага ҳавола қавс ичида, тегишли расм, жадвал ёки формула жойлашган боб масалан: (1.1), (1.2) ва шу каби тарзда тартиб рақами (белгиси) кўрсатилган ҳолда “қаранг сўзи” қўлланилади.

143. Диссертация матнида кўрсатилган шахсларнинг фамилияси, исм-шарифи ҳамда ташкилот ва маҳсулотларнинг номлари ва бошқа атоқли отлар ўзгартирилишига йўл қўйилмайди.

144. Диссертациянинг иловалари алоҳида бетларда кетма-кетлиқда (масалан: 1-илова, 2-илова ва шу тарзда) ифодаланади. Ҳар бир иловага диссертация таркибида иқтиbos келтириб ўтилган бўлиши лозим.

145. Магистрлик диссертацияси магистратура талабаси ўқиган тилда (кафедра ёки магистратура бўлими тавсиясига мувофиқ чет тилида) тайёрланади. Чет тилида тайёрланган магистрлик диссертациясига давлат тилида ёзилган аннотация илова этилади. Бундай магистрлик диссертацияларининг дастлабки ва расмий ҳимоялари таржима билан ўtkазилади.

146. Магистратура мутахассислиги хусусияти ҳисобга олинган ҳолда магистрлик диссертацияси таркибий қисмларининг мазмuni ва ҳажми Университет Кенгашининг қарори билан ўзгартирилиши ва кўпайтирилиши мүмкін.

XIV. МАГИСТРЛИК ДИССЕРТАЦИЯСИГА ИЛМИЙ РАҲБАР ХУЛОСАСИ, ИЧКИ ВА ТАШҚИ ТАҚРИЗЛАРГА ҚЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР

147. Магистрлик диссертациясига илмий раҳбар хулосаси, ички ҳамда ташқи тақриз талаб этилади. Ички ва ташқи тақризчиларни мутахассислик

кафедраси тавсия этади ва уларнинг рўйхати Илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректор томонидан тасдиқланади.

148. Тақризлар, айнан ажратиб кўрсатилган ҳолда мантиқий кетма-кетлиқда қуидагиларни ўзида акс эттириши тавсия этилади:

- магистрлик диссертациясининг долзарблиги, илмий янгилиги (илмий гипотеза ва унинг асосланиши) ва тугалланганлиги тўғрисида хulosса тақдим этиш;
- дастлабки ҳимоядан камида 3 кун олдин тақриз тақдим этиш;
- касб одоб-ахлоқи қоидаларининг бузилиши ҳолатлари (плагиат, маълумотларни сохталашибириш, ёлғон цитата келтириш ва бошқалар) аниқланган тақдирда, уларни тақризда кўрсатиш.

149. Илмий раҳбар хulosасида қуидагилар қайд этилиши зарур:

- диссертация мавзусининг долзарблиги;
- диссертация мавзусининг тадқиқот обьекти билан ўзаро боғлиқлик даражаси;
- тадқиқотда белгилangan мақсад ва вазифаларнинг ёритилиш даражаси;
- тадқиқотнинг илмий янгилиги;
- тадқиқот натижаларининг илмий асосланганлиги;
- изланиш натижасида ишлаб чиқилган хulosса ва таклифларнинг эътиборга моликлиги;
- магистрлик диссертациясига қўйиладиган талаб ва мутахассисликка мослиги кабилар.

150. Ички ва ташқи тақризлар:

- мавзунинг долзарблиги;
- диссертациянинг илмий янгилиги;
- амалий натижаларнинг асосланганлиги;
- тадқиқотнинг амалий аҳамияти;
- тадқиқотнинг мазмуни ҳамда тугалланганлик даражаси;
- маълумотлар ва матнни баён этиш тили ҳамда услуби;
- тадқиқотнинг илмий-амалий қиймати;
- магистрлик диссертациясининг олдига қўйиладиган талаблар ва магистратура мутахассислигига мослиги каби масалаларни ёритиши мақсадга мувофиқдир.

XV. ДАСТЛАБКИ ВА РАСМИЙ ҲИМОЯНИ ЎТКАЗИШ ТАРТИБИ

151. Магистрлик диссертациясининг дастлабки ҳимояси илмий раҳбар (илмий маслаҳатчи) иштирокида кафедра томонидан тузилган комиссияда ташкил этилади. Дастлабки ҳимояга бошқа кафедралардан, шунингдек бошқа ташкилотлардан мутахассислар таклиф этилиши мумкин.

152. Илмий маслаҳатчи тайинланган ҳолда дастлабки ҳимояга қадар ундан магистрлик диссертациясига хulosса олиш ҳам талаб этилади.

153. Дастрлабки ҳимояга қадар магистратура талабаси ички ва ташқи ҳамда илмий раҳбар тақризларига, шунингдек диссертация мавзусига доир камида 1 та илмий мақола ва 2 та тезисга эга бўлиши керак.

154. Магистрлик диссертациясининг дастрлабки ҳимояси якунида “расмий ҳимояга тавсия этилди” ёки “расмий ҳимояга тавсия этилмади” тарзидаги якуний хулоса кафедра йиғилиши баённомаси билан расмийлаштирилади.

155. Магистрлик диссертацияси белгиланган талабларга мос келмаган ҳолатларда, магистратура талабаси томонидан касб одоб-ахлоқи қоидалари (плагиат, маълумотларни сохталашибириш, ёлғон цитата келтириш ва бошқалар) бузилганлиги аниқланган тақдирда, шунингдек ушбу ҳолатларни қисқа муддатда тузатиш имконияти мавжуд бўлмагандан тақризчи магистрлик диссертациясини ҳимояга қўйиш мақсадга мувофиқ эмаслиги тўғрисида хулоса беради.

156. Магистрлик диссертациясини расмий ҳимоя қилиш куни Университет ректорининг буйруғи билан тасдиқланган жадвал асосида белгиланади.

157. Магистрлик диссертациясининг расмий ҳимояси Университетнинг Якуний аттестация комиссияси (кейинги ўринларда Комиссия деб аталади) томонидан ўтказилади.

158. Магистратура талабаси магистрлик диссертациясининг расмий ҳимояси тақдимот материаллари билан баён этилиши ва 20 дақиқадан ошмаслиги лозим.

159. Расмий ҳимояда Комиссия аъзолари магистратура талабасини қуидаги мезонлар асосида баҳолайди:

- магистрлик диссертацияси тадқиқот мавзусининг долзарблигини ва унинг амалиёт билан боғлиқлигини кўрсатиб бера олиши;
- магистратура талабасининг тадқиқотга ва вазифаларни ҳал этишга мустақил ёндашуви;
- фойдаланилган илмий адабиётлар, илмий нашрлар, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, статистик маълумотлар, шунингдек хорижий тиллардаги адабиётлар танқидий таҳлилиниң тўлиқлиги ва чуқурлиги;
- тадқиқот усуслари амалиётда қўлланилганлигининг асосланганлиги;
- олинган натижалар асосида ишлаб чиқилган тавсияларнинг амалий аҳамияти;
- магистратура талабасининг магистрлик диссертацияси доирасида ўтказилган тадқиқотлар ва олинган натижаларни ривожлантириш истиқболларини кўра билиш қобилияти;
- магистрлик диссертациясининг назарий ва амалий қисмларидаги ўзаро мантиқий боғлиқликни кузата билиш малакаси.

160. «Қониқарсиз» баҳо қўйилганда ёки магистрлик диссертацияси расмий ҳимояга қўйилмаган тақдирда магистратура талабаси кейинги 3 йил давомида уни қайта ҳимоя қилиш ҳуқуқига эга.

161. Магистрлик диссертациялари расмий ҳимояси натижалари Университет Кенгашида мухокама этилади ҳамда умумий баҳоланади.

162. Ҳимоя қилинган магистрлик диссертациялари Университет АРМда 3 йил давомида сақланади ҳамда муаллиф ҳуқуқи таъминланган ҳолда умумий фойдаланишга берилади.

XVI. МАГИСТРАТУРА МУТАХАССИСЛИКЛАРИ ТАЛАБАЛАРИ ТОМОНИДАН ИЛМИЙ-ПЕДАГОГИК ВА ИЛМИЙ-МАЛАКАВИЙ АМАЛИЁТ ҲАМДА СТАЖИРОВКАНИ ЎТАШ ТАРТИБИ

163. Илмий-педагогик амалиёти магистратура ўқув жараёнининг муҳим таркибий қисми бўлиб, олий таълим муассасаси профессор-ўқитувчиsı сифатида тайёрланаётган магистрантларнинг эгаллаган илмий-назарий билимларини бевосита амалиётга тадбиқ этиш, инновацион педагогик ва ахборот-коммуникацион технологиялар асосида дарс машғулотларини ташкил этиш, талабалар билимини баҳолаш борасида халқаро стандартлар ва илғор хорижий тажрибаларни ўзлаштириш, олий таълим муассасасида таълим сифатини таъминлаш борасидаги фаолият турлари билан амалий танишиш ва илмий-педагогик ишнинг мақсадини белгилаб беради.

164. Илмий педагогик амалиётини амалга оширишнинг мақсади илмий-педагогик амалиёт даврида магистрантлар олий таълим муассасасида илмий-педагогик фаолият олиб боришнинг мазмуни, меъёрий-ҳуқуқий асослари ва тартибини ўрганади ва магистрлик диссертацияси мавзусига оид илмий изланишлари доирасида педагогик тажриба-синов ишларини ўтказадилар ҳамда олинган натижаларни математик-статистик методлар ёрдамида қайта ишлайди, хуросалар шакллантиради.

165. Илмий-педагогик амалиётни бажариш давомида магистрант ўзининг бакалавриат таълим йўналиши бўйича илмий-педагогик маҳоратга эга бўлиши учун илмий раҳбар билан ҳамкорликда фаолият олиб бориши зарур. Магистрант ўз мутахассислиги түғрисида дастлабки тасаввурга ва тушунчаларга эга бўлиши, танлаган мутахассисликка қўйиладиган янги талаблар асосида касбий қўникмаларга, таълим тизими ва жараёнини ташкил этилиши ва олиб борилиши ҳақида тушунчаларга эга бўлиши ҳам шарт. Магистрантнинг замонавий илмий-педагогик талаблар билан танишишдан мақсад уни келгусида мутахассис сифатида талабаларга кафедра фанлари бўйича амалий билимлар беришга тайёрлашдан иборат.

166. Илмий-педагогик амалиётнинг мақсадидан келиб чиқсан ҳолда магистрантдан қуйидаги вазифаларни бажариш талаб этилади:

- кафедранинг етакчи профессор ўқитувчиларининг ўқув машғулотларига қатнашиши (кафедра ва илмий раҳбар қарори билан);
- илмий раҳбар ёки етакчи профессор ўқитувчилар иштироқида академик гуруҳларда машғулотлар ўтказиш;
- белгиланган ўқув фани бўйича педагогик технологияларни ишлаб чиқиш, ўқув-услубий мажмуаларни тайёрлашда иштирок этиш;

- бакалавриат талабалари билан ўқув, мустақил ишлар ва тарбиявий ишларни ўтказиш;
- педагогик маҳоратни ошириш мақсадида назарий билимларга эга бўлиш;
- педагогик касбга бўлган қизиқиши ошириш, педагогик касбга хос илмий тушунчаларни ўрганиш ва педагогик изланиш ғояларини шакллантириш кўникмаларига эга бўлиш;
- ихтисослик фанлари бўйича турли машғулотларни ўтказиш бўйича малака орттириш;
- янги педагогик ва ахборот технологияларини ўрганиш ва қўллаш, улар асосида маъруза матнлари ва машғулотлар ўтказиш режасини тузиш;
- талабалар мустақил таълимнинг ташкилий ва ўқув услубий таъминотини ўрганиш, мустақил билим олиш учун услубий кўрсатмалар ишлаб чиқиш;
- тарбиявий ишларни олиб боришни ўрганиш, ва ташкил этиш;
- маъруза матнлари ва амалий машғулотлар бўйича услубий қўлланмалар тайёрлаш усулларини ўрганиш, ишчи дастур ва тақвим режаларини тузишни ва шу каби ишларни ўрганиши зарур.

167. Илмий-педагогик амалиёт натижалари бўйича:

- инновацион педагогик ва ахборот-коммуникацион технологияларни, ўқув-тарбиявий жараённи фаоллаштириш услубларини, талабаларнинг билим, кўникма ва малакалари, компетенцияларини баҳолашнинг халқаро стандартлари ва илғор методларини амалий ўзлаштириши;
- мустақил таълимнинг ташкилий ва ўқув-услубий таъминоти, масофадан ўқитиши технологияларини;
- фанлар бўйича ўқув-меъёрий ҳужжатларни (ўқув режа, ишчи ўқув режа, фан дастури, ишчи фан дастури, ўқув-услубий мажмуа, календарь иш режа) ларни ишлаб чиқиш, ўқув адабиётларини (дарслик ва ўқув қўлланма, услубий йўриқнома)ларни яратиш асосларини билиши ва улардан фойдалана олиши;
- дарс машғулотларининг (маъруза, амалий, лаборатория, семинар) каби анъанавий ва ноанъанавий (инновацион) шаклларини ўтказиш, маъруза матнлари ва машғулотлар ўтказиш режалари (технологик хариталари)ни тузиш;
- талабаларнинг билим, кўникма ва малакалари, компетенцияларини назорат қилишнинг ташкилий ва услубий таъминотини ишлаб чиқиш;
- маънавий-маърифий, тарбиявий ишларнинг ташкилий ва услубий таъминотини яратиш бўйича тажрибага эга бўлиши керак.

168. Магистратура талабаси томонидан кафедрада олиб бориладиган ишлар, тадбирлар, ўтказиладиган маъruzalар, амалий машғулотлар ва мустақил ишларни олиб бориш тартиби, қайси фандан, қандай мавзуларда бўлиши кафедра мудири, илмий раҳбар, илмий маслаҳатчилар иштирокидаги ишчи гурӯх томонидан аниқланади ва кафедра қарори билан

тасдиқланади. Кафедра қарори билан намунавий режадаги ишларни кафедра учун лозим бўлган ва мутахассислик хусусиятидан келиб чиқиб, режада келтирилмаган ишлар билан алмаштириш мумкин. Бу албатта, аниқлаштирилган календарь иш режада ўз аксини топиши керак.

169. Магистратура талабаси ҳар ойда кафедра мажлисида режа бўйича бажарилган ишларнинг ҳисоботини беради. Ҳисобот бўйича кафедра йиғилиши магистрант томонидан “режа бажарилган” ёки “режа бажарилмаган” мазмунидаги қарор қабул қиласди.

170. Ўқув семестри сўнгидаги магистратура талабаси ойлик ҳисоботлар асосида семестр бўйича якуний илмий-педагогик иши бўйича ҳисоботни тайёрлайди ва Магистратура бўлимига топширади. Магистратура бўлими бошлиғи, магистратура бўлими услубчиси, кафедра мудири, илмий педагогик иш раҳбари ва илмий маслаҳатчилардан ташкил топган **ишчи гурӯҳ (ёки комиссия)** магистратура талабасининг ҳисоботи бўйича кафедра қарори ва илмий раҳбарнинг тавсиясини эътиборга олган ҳолда илмий-педагогик амалиёт бўйича баҳолар қайдномасига магистратура талабасининг баҳосини расмийлаштиради (6 ва 7-илова).

171. Магистратура талабаларининг илмий-педагогик амалиёти мутахассислик хусусиятидан келиб чиқсан ҳолда мутахассислик кафедралар томонидан ишлаб чиқилган талаблар асосида ташкил эталади ҳамда мазкур амалиётнинг якуний натижалари Магистратура бўлимига тақдим этилади.

172. Стажировка магистратура талабасининг илмий-тадқиқот ишлари тақозо этганда индивидуал илмий изланиш ва тажриба-синовларни ўтказиш мақсадида ташкил этилади ва магистратура талабалари Университет Кенгashi тавсиясига мувофиқ стажировка ўташга юборилади.

173. Стажировка:

- илмий-тадқиқот олиб бориш, назарий ва амалий билимларни чуқурлаштириши;
- фан ва ишлаб чиқариш тармоқлардаги замонавий техника ва технологиялар билан таништириши;
- амалий касбий ва илмий-тадқиқот компетенцияларни шакллантириши;
- мутахассислик бўйича билим ва кўникмаларни такомиллаштириш ва магистрлик диссертацияси (ёки бирор қисми) бўйича тажриба-синов, илмий-тадқиқот ишларини бажарилиши;
- касбга самарали мослашувни таъминлаши лозим.

174. Магистратура талабалари стажировкани стажировка ўташ дастури асосида республика ёки хорижий давлатларнинг ишлаб чиқариш обьектлари, илмий-тадқиқот муассасалари ва марказлари, олий таълим муасссаларида ўташи мумкин.

175. Стажировкани ташкил этиш магистратура талабалари томонидан касбий фаолиятни эгаллашда узлуксизлик ва изчилликни таъминлашга йўналтирилиши лозим.

176. Университет Кенгаши магистратура талабасининг илмий раҳбари тавсиясига кўра магистратура талабасини стажировка ўташга юбориш масаласини кўриб чиқади ва тегишли қарор қабул қиласди.

177. Магистратура талабаси кадрлар истеъмолчилари томонидан танлов асосида стажировка ўташга жалб қилиниши мумкин.

178. Стажировка ўташга юборилаётган магистратура талабалари рўйхати Университетдан стажировка раҳбари кўрсатилган ҳолда Университет ректорининг буйруғи билан тасдиқланади.

179. Стажировка ўташ учун юбориша магистратура талабасининг қабул қилувчи ташкилот томонидан турар жой билан таъминлаш имконияти хисобга олинади.

180. Университет ректори буйруғи билан биректирилган раҳбар стажировка ўташ жараёнида магистратура талабаси хавфсизлигини таъминлаш бўйича тушунтиришлар бериши учун зарур чора-тадбирлар кўрилишини таъминлайди.

181. Стажировка бўйича ишларни мувофиқлаштириш Университетнинг Магистратура бўлими ҳамда томонидан тегишли кафедра мудири зиммасига стажировка масалалари билан шуғулланиш мажбурияти юклатилган таркибий бўлинма билан ҳамкорликда амалга оширилади.

182. Стажировка Университет ҳамда қабул қилувчи ташкилот ўртасида стажировкани ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тузилган шартномалар (келишувлар) асосида амалга оширилади.

183. Стажировкани ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тузилган шартномада шартнома предмети, тарафларнинг ҳукуқ ва мажбуриятлари, магистратура талабасини зарур шароит билан таъминлаш, шартноманинг амал қилиш муддати, шартномани бекор қилиш асослари, тарафларнинг жавобгарлиги ва стажировка ўташни ташкил этиш билан боғлиқ бошқа муҳим шартлар назарда тутилади.

184. Стажировка ўташ даврида стажировка ўтаётган магистратура талабасига қабул қилувчи ташкилотдаги тегишли меҳнатни муҳофаза қилиш қоидалари ва ички меҳнат тартиби қоидалари, шунингдек қабул қилувчи ташкилотда амалда бўлган бошқа ҳужжатлар татбиқ қилинади.

185. Университетдан стажировка раҳбари стажировка давомида магистратура талабаси томонидан стажировка дастурининг ўз вақтида бажарилишини назорат қиласди ва зарур ҳолларда, унга амалий кўмаклашиб боради.

186. Стажировка назорати электрон равишда ёки бошқа телекоммуникация воситалари (телефон, факс ва бошқа воситалар) орқали амалга оширилиши мумкин.

187. Университетдан стажировка раҳбари:

- магистратура талабаларини стажировка ўташ жойларига тақсимлашда иштирок этади;
- магистратура талабасига бериш учун Университетнинг тегишли бўлинмасидан стажировка кундалигини қабул қилиб олади;
- стажировка ўташ дастурини ишлаб чиқади;

- магистратура талабасининг стажировкасига умумий раҳбарлик қилади;
- стажировка ўташ учун кетаётган магистратура талабасига зарур йўл-йўриқлар беради;
- магистратура талабасининг стажировка ўташ жойига етиб бориши ва қайтишини назорат қилади;
- қабул қилувчи ташкилотдан стажировка раҳбари билан стажировка ўташ ҳолати бўйича мунтазам равишда алоқада фаолият олиб боради;
- магистратура талабасига стажировка ўташ дастурини бажариш бўйича услубий ёрдам кўрсатади;
- зарур ҳолларда, стажировка ўташ жойларига бориш орқали стажировка ўташ тартибига магистратура талабаси томонидан риоя қилинишини, стажировка ўташ дастури бажарилишини назорат қилади;
- стажировка ўташни такомиллаштириш юзасидан ўз таклиф ва мулоҳазаларини Университет кенгashiда кўриб чиқиш учун тақдим этади.

188. Қабул қилувчи ташкилот раҳбари ёки масъул шахс:

- стажировкани ташкил этиш бўйича буйруқ (қарор) қабул қилади;
- малакали ва тажрибали мутахассислар орасидан стажировка раҳбарини тайинлайди;
- магистратура талабасига стажировка ўташ дастурига мувофиқ стажировка ўташ учун зарур шароитлар яратилишини таъминлайди.

189. Қабул қилувчи ташкилотдан стажировка раҳбари:

- ташкилотда магистратура талабасининг стажировкасига умумий раҳбарлик қилади;
- магистратура талабасига зарур йўл-йўриқлар ва тушунтиришлар беради;
- магистратура талабасини қабул қилувчи ташкилот обьектларининг тузилиши, фаолият йўналишлари ва бошқа ўзига хос хусусиятлари билан таништиради;
- магистратура талабасининг стажировка ўташ дастурига тааллуқли зарур материаллардан фойдаланишини таъминлайди;
- магистратура талабасига стажировка ўташ дастурида назарда тутилган масалалар бўйича зарур маслаҳатлар беради;
- магистратура талабаси томонидан амалга оширилаётган ишлар ва стажировка кундалигининг юритилиши устидан доимий назоратни амалга оширади;
- Университетдан стажировка раҳбари билан стажировка ўташ ҳолати бўйича мунтазам равишда алоқада фаолият олиб боради;
- стажировка кундалигининг тегишли қисмларини имзолайди, имзо қабул қилувчи ташкилот муҳри (муҳр мавжуд бўлган тақдирда) билан тасдиқланади;
- Университетдаги стажировка раҳбари магистратура талабасининг стажировка ўташ учун келмаётганлиги ёки у томонидан

стажировка ўташ дастури бажарилмаётганлиги ёхуд меҳнат интизоми бузилаётганлиги ҳақида хабардор қиласи.

190. Қабул қилувчи ташкилотдан стажировка раҳбари магистратура талабасидан стажировка ўташ дастури билан боғлиқ бўлмаган вазифа ва топшириқларни бажаришни талаб этишга ҳақли эмас.

191. Магистратура талабасининг стажировка жараёнида:

- стажировкани ўташ шартлари ва тартиби билан олдиндан танишиш;

- стажировка бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини билдириш;
- стажировка юзасидан зарур ахборотлар олиш ҳуқуқига эга.

192. Магистратура талабаси зиммасига:

- стажировкани белгиланган муддатларда ўташ;

- стажировка ўташ дастурида кўрсатилган топшириқларни (ишларни) белгиланган тартибда, тўлиқ ва сифатли бажариш;

- стажировка кундалигини ҳар куни ва тартибли юритиш, жумладан стажировка давомида бажарилган ишларни стажировка кундалигига қайд этиб бориш;

- қабул қилувчи ташкилотда (давлатда) белгиланган тартиб қоидаларга риоя қилиш мажбурияти юклатилади.

193. Стажировка ўташ қуидаги босқичларга бўлинади:

- тайёрлов босқичи (стажировка ўташнинг биринчи куни);
- асосий босқич;
- якуний босқич (стажировка бўйича ҳисобот ҳимояси).

194. Стажировка ўташнинг тайёрлов босқичида — қабул қилувчи ташкилотдан стажировка раҳбари томонидан стажировка ўташ учун келган магистратура талабаси тегишли меҳнатни муҳофаза қилиш қоидалари, ички меҳнат тартиби қоидалари, ташкилотда стажировка ўташнинг талаб ва шартлари, ташкилотнинг ташкилий тузилмаси, вазифа ва функциялари, фаолият йўналишлари билан таништириллади ҳамда стажёрга стажировка ўташ дастурига мувофиқ тегишли кўрсатмалар берилади. Мазкур босқичда магистратура талабаси томонидан қабул қилувчи ташкилотдан стажировка раҳбари билан келишган ҳолда стажировка ўташ дастурини бажариш бўйича режа-жадвал (календарь режа) тузилади.

195. Стажировка ўташнинг асосий босқичида — магистратура талабаси томонидан стажировка ўташ дастурини бажариш бўйича режа-жадвалда (календарь режада) назарда тутилган ишлар бажарилади.

196. Стажировка ўташнинг якуний босқичида — магистратура талабаси томонидан стажировка ўташ даврида (жараёнида) амалга оширилган ишлар ва уларнинг натижалари кўриб чиқилади, таҳлил қилинади ҳамда баҳоланади.

197. Магистратура талабаси Университет ўқув режаси бўйича стажировка ўташга юборилади. Стажировка режалаштирилаётганда унинг якуний аттестацияси бошланишига бир ой қолгунга қадар якунланиши ҳисобга олиниши лозим.

198. Магистратура талабасига Университет ректорининг буйруғига асосан ташкилотда стажировка ўташ учун йўлланма берилади.

199. Магистратура талабаси ёзги таътил даврида стажировка ўташ учун юборилиши мумкин.

200. Стажировка ўташ жараёнида магистратура талабаси томонидан стажировка кундалиги юритилади.

201. Стажировка кундалиги Университетдан стажировка раҳбари томонидан стажировка бошланишидан олдин берилади.

202. Стажировка ўташ даврида амалга оширилган ишлар стажировка дастурига мувофиқ стажировка кундалигига ёзиб борилади ва қабул қилувчи ташкилотдан стажировка раҳбари томонидан имзолаб борилади.

203. Стажировка ўташнинг нормал кунлик давомийлиги олти соатни ташкил этади.

204. Стажировканинг охирги куни қабул қилувчи ташкилотдан стажировка раҳбари стажировка кундалигига стажировка ўташ натижаларини хulosha тарзида баён этади ва имзолайди.

205. Қабул қилувчи ташкилот раҳбарияти томонидан стажировка ўтаган магистратура талабасига унинг илтимосига кўра ёзма равишда тавсифнома берилиши мумкин.

206. Стажировка ўташ учун юборилган магистратура талабалари ўқув жадвалини индивидуал график асосида бажаради.

207. Стажировка ўташ муддати илмий раҳбарнинг асосланган тавсиясига мувофиқ Университет ректори буйруғи билан бир ойгача узайтирилиши мумкин. Бундай ҳолларда зарур хужжатларга тегишли ўзгартиришлар киритилади.

208. Стажировканинг узлуксиз давомийлиги уч ойдан ошмаслиги керак.

209. Стажировка назарий таълимнинг ўзаро алоқасини таъминлаш шартини бажарган ҳолда назарий билимлар билан навбатланиш йўли орқали амалга оширилиши мумкин.

210. Магистратура талабаси хорижда стажировка ўташ учун Университетнинг Халқаро ҳамкорлик бўлимига қабул қилувчи ташкилотдан олинган расмий таклифномани, хорижда стажировка ўташ учун қабул қилувчи ташкилот билан тузилган шартномани (ёзма равишдаги келишувни) илова қилган ҳолда мурожаат этади.

211. Университетнинг халқаро алоқалар билан шуғулланувчи бўлими магистратура талабасининг хорижда стажировка ўташи масаласини ўрганиб чиқади ва кўриб чиқиш учун Университет Кенгашига мурожаат қиласди.

212. Университетнинг Халқаро ҳамкорлик бўлими стажировкани ташкил этиш бўйича қуйидаги ишларни амалга оширади:

- хорижда стажировка ўтайдиган магистратура талабалари рўйхатини тайёрлайди;
- хорижда стажировка ўтайдиган магистратура талабасига хорижга чиқиш-келиш тартибини тушунтиради;

- хорижда стажировка ўтайдиган магистратура талабасига хорижда ўзини тутиш бўйича тегишли кўрсатмалар беради;
- зарур ҳужжатларни, жумладан визани расмийлаштиришда магистратура талабасига амалий ёрдам кўрсатади.

213. Стажировкани хорижда ўташ учун магистратура талабаси:

- қабул қилувчи ташкилот жойлашган давлат тилини ёки шартномада кўрсатилган чет тилини лозим даражада билиши;
- стажировка бошланишидан камида уч ой олдин четга чиқиш бўйича тегишли ҳужжатларини тайёрлаши, жумладан зарур ҳолларда виза расмийлаштириши;
- стажировка бошланишидан камида бир ой олдин стажировка ўташ дастурини бажариш бўйича режа-жадвални (календарь режани) қабул қилувчи ташкилот билан келишиши лозим.

214. Хорижда стажировка ўташ учун қабул қилувчи ташкилот билан тузиладиган шартномада магистратура талабасининг ташкилот жойлашган давлатдаги турар жойи, яшиши ва йўл харажатлари миқдори, манбалари ҳамда улар ким томонидан қопланиши ва бошқа муҳим шартлар кўрсатилиши зарур.

215. Магистратура талабаси ҳомий ташкилот маблағлари ҳисобидан хорижда стажировка ўташи мумкин. Бунда стажировка ҳомий ташкилот билан Университет ўртасидаги шартномага (келишувга) мувофиқ амалга оширилади.

216. Магистратура талабаси стажировка ўтаб бўлгандан сўнг, стажировка бўйича ёзма равишда ҳисботот тайёрлайди.

217. Стажировка якунлари бўйича ҳисботда қуйидаги маълумотлар акс эттирилиши лозим:

- стажировка муддати, стажировка ўталган ташкилотнинг номи, жойлашган ери;
- Университетдаги стажировка раҳбари ва қабул қилувчи ташкилотдан стажировка раҳбари ҳақида қисқача маълумотлар;
- стажировка дастурида кўрсатилган тадбирларнинг бажарилганлик ҳолати, бажарилмаган тадбирлар бўйича магистратура талабасининг асосли тушунтиришлари ва тасдиқловчи ҳужжатлар ҳақидаги маълумотлар;
- стажировка хорижда ўталган бўлса, Университет Халқаро ҳамкорлик бўлимининг хорижда ўталган стажировка бўйича хулосаларини акс эттирувчи маълумотлар;
- стажировка бўйича ҳисботнинг илмий конференцияларда маъруза қилинганлиги ва мазкур маъruzанинг муҳокама натижаларига кўра ижобий баҳолангандигини, илмий нашрларда чоп этилганлигини кўрсатувчи маълумотлар, агар мавжуд бўлса;
- магистрлик диссертацияси (диссертациянинг режалаштирилган қисми) бўйича амалга оширилган тажриба синовлари ёки тадқиқот ишлари натижалари ҳақидаги маълумотлар;

- соҳани такомиллаштириш ва ривожлантиришга қаратилган асосли амалий таклифлар;

- стажировка ўташ бўйича бошқа муҳим масалалар.

218. Стажировка бўйича ҳисобот ҳимояси стажировка якунлангандан сўнг, бир ой ичидаги Университетда белгиланган график асосида ташкил этилади ҳамда ўtkазилади.

219. Магистратура талабаси Университетда стажировка бўйича ҳисобот ҳимояси ўtkазилгунга қадар стажировка бўйича ҳисоботни дастлаб мутахассислик кафедраси йиғилишида ҳимоя қилади. Ҳимоя якунлари бўйича мутахассислик кафедраси томонидан ёзма равишда хulosса берилади.

220. Магистратура талабаси стажировка бўйича ҳисобот ҳимояси ўtkазилишидан камида 5 кун олдин Университетдаги стажировка раҳбарига стажировка якуни бўйича қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

- стажировка бўйича ҳисобот;

- стажировка кундалиги;

- стажировка ўташ вақтида тўпланган материаллар йиғмажилди (уларнинг рўйхати стажировка кундалигида акс эттирилган бўлиши лозим). Тўпланган материаллар йиғмажилди стажировка бўйича баҳо қўйилгандан сўнг, келгусида ўкув ва амалий фаолиятда фойдаланиш учун магистратура талабасига қайтариб берилади.

221. Университетдан стажировка раҳбари стажировка якуни бўйича тақдим этилган ҳужжатларни ўрганиб, стажировка кундалигида стажировка ўташ натижаларини хulosса тарзида баён этади ва имзолайди.

222. Стажировка бўйича ҳисобот ҳимояси Университет ректори буйруғи билан малакали ва тажрибали педагог ходимларидан иборат таркибда тузилган комиссия томонидан ўtkазилади.

223. Стажировка бўйича ҳисобот ҳимоясида қабул қилувчи ташкилот вакили иштирок этиши мумкин. Университетнинг Халқаро ҳамкорлик бўлими (магистратура талабаси хорижда стажировка ўтаган бўлса), Университетдан стажировка раҳбари стажировка бўйича ҳисобот ҳимоясида иштирок этиши шарт, улар узрли сабабларга кўра иштирок этмаган ҳоллар бундан мустасно.

224. Стажировка бўйича ҳисобот ҳимояси комиссия аъзосининг стажировка бўйича раҳбарлар хulosаларини ўқиб эшиттиришидан бошланади.

225. Стажировка раҳбарлари хulosалари ўқиб эшиттирилгандан сўнг, магистратура талабасининг стажировка бўйича хulosаси, стажировка давомида тўплаган материаллари, шунингдек стажировкага оид таклиф ва мулоҳазалари тингланиб, комиссия томонидан муҳокама қилинади.

226. Стажировка бўйича ҳисобот ҳимояси қуйидаги мезонларига асосан баҳоланади:

- магистратура талабасининг назарий ва амалий билимлари даражаси;

- магистратура талабаси томонидан стажировка давомида тўпланган материалларнинг тузилиши даражаси ва сифати ҳамда стажировка ўташ давомида ўрганилган масалаларнинг ёритиб берилиши;
- билдирилган таклифларнинг асослилиги ва амалий аҳамияти.

227. Стажировка бўйича ҳисобот ҳимояси натижалари ўқув режасига мувофиқ кредит тизимида баҳоланади ва шу куннинг ўзида магистратура талабасига эълон қилинади.

228. Магистратура талабаси стажировка бўйича ҳисоботни илмий конференцияларда маъруза қилса ва мазкур маъруза муҳокама натижаларига кўра ижобий баҳоланса, шунингдек илмий мақола сифатида илмий нашрларда чоп эттираса, у ҳисоботни расмий ҳимоя қилган ҳисобланади.

229. Стажировка бўйича ҳисобот илмий конференцияларда маъруза қилинганлиги ва мазкур маъруза муҳокама натижаларига кўра ижобий баҳолангандигини, илмий нашрларда нашр этилганлигини тасдиқловчи ҳужжат(лар) комиссияга тақдим этилади. Бунда ҳисоботни ҳимоя қилиш талаб этилмайди ҳамда у маъруза ва мақоланинг сифатига қараб комиссия томонидан баҳоланади.

230. Стажировка якунлари бўйича қониқарсиз баҳо қўйилганда, магистратура талабаси стажировка бўйича ҳисоботни бир ой ичida мазкур Низомда белгиланган тартибда қайта ҳимоя қилиш ҳуқуқига эга. Бунда Университет ректорининг тегишли буйруғи чиқарилиши лозим.

231. Стажировка бўйича ҳисоботни қайта ҳимоя қилиш якунлари бўйича қониқарсиз баҳо қўйилганда, шунингдек стажировка узрли сабабларсиз ўталмагандага магистратура талабаси академик қарздор деб ҳисобланади ва белгиланган тартибда талабалар сафидан четлаштирилади.

232. Магистратура талабасининг оғир касаллиги (3 ойдан ортиқ даволаниш муддати ёки фарзанд дунёга келиши), фавқулодда ҳолатлар (яқин қариндошининг вафот этганлиги ёки унинг оиласига жиддий моддий (маънавий) зарар етказган воқеа ва шу каби бошқа ҳолатлар) юз берганлиги сабабли, стажировка ўташга бора олмаганлиги ёки стажировка дастурини тўлиқ якунлай олмаганлиги узрли ҳолатлар деб топилади. Бунда магистратура талабаси ушбу ҳолатлар юз берганлигини тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этиши лозим.

233. Қўйидагилар стажировкани молиялаштириш манбалари:

- ушбу мақсадлар учун ажратилган Университетнинг бюджетдан ташқари маблағлари;
- қабул қилувчи ташкилотнинг маблағлари (бюджет ташкилотларида уларнинг ушбу мақсадлар учун ажратилган бюджетдан ташқари маблағлари);
- хорижий давлатлардаги қабул қилувчи ташкилотнинг маблағлари;
- ҳомийларнинг беғараз ёрдами туфайли тушган (ушбу мақсадлар учун ажратилган) маблағлари;
- қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа манбалар.

XVII. МАГИСТРАТУРА ТАЛАБАЛАРИ ФАОЛИЯТИ МОНИТОРИНГИ

234. Магистратура талабаси фаолияти устидан доимий мониторинг олиб бориш ва магистратурада таълим жараёнини ташкил этиш сифатини ошириш мақсадида Университет ректори буйруғи Ишчи гурӯҳ тузилади.

235. Магистратура талабаси фаолияти устидан мониторинг қуидаги кўрсаткичлар асосида олиб борилади:

а) биринчи курсда:

- магистратура талабасининг календарь иш режаси белгиланган муддатларда ўз вақтида бажарилиши;
- битта илмий мақола ёки республика ёки халқаро миқёсдаги илмий конференцияда битта тезис чоп этганлиги;
- илмий семинарларда иштирок этганлиги;
- мутахассислик бўйича ўқув фанларини ўзлаштириш даражаси.

б) иккинчи курсда:

- магистратура талабасининг календарь иш режаси белгиланган муддатларда ўз вақтида бажарилиши;
- иккита илмий мақола ёки республика ёки халқаро миқёсдаги илмий конференцияда иккита тезис чоп этганлиги;
- магистрлик диссертацияси дастлабки ҳимоядан ўтганлиги, агар у мониторинг даврида режалаштирилган бўлса;
- илмий семинарларда иштирок этганлиги;
- мутахассислик бўйича барча ўқув фанларини ўзлаштириш даражаси.

236. Таълим жараёнининг хусусиятларини ҳисобга олинган ҳолда тасарруфида магистратура мутахассислари бўлган тегишли кафедралар мониторинг кўрсаткичларига тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритиши мумкин.

237. Мониторинг жараёнида магистратура талабалари билан сұхбатлар ўtkазилади, тегишли таклиф ва тавсиялар берилади.

238. Ўқув йили охирида Ишчи гурӯҳ мониторинг якунлари бўйича Университет Илмий кенгашида ҳисбот тақдим этади.

XVIII. МАГИСТРАТУРА ТАЛАБАЛАРИ ФАОЛИЯТИ БЎЙИЧА РАҒБАТЛАНТИРИШ ВА ЧОРАЛАР КЎРИШ.

239. Ўқишидаги ютуқлари, илмий-тадқиқот ишларида ва Университет фаолиятидаги фаол иштироки учун, талабалар, тингловчилар, докторантлар ва илмий тадқиқотчилар учун қуидаги рағбатлантиришлар белгиланади:

- миннатдорчилик эълон қилиш;
- фахрий ёрлиқ билан тақдирлаш;
- қимматбаҳо совға билан мукофотлаш;
- рағбатлантирувчи тўловлар бериш;
- бир марталик алоҳида стипендиялар белгилаш;
- танлов ғолиби унвони бериш;

- Таъсисчилар умумий йиғилиши қарорига асосан контракт тўловига грант асосида имтиёз ёки чегирмалар бериш ва бошқалар.

240. Рағбатлантириш Магистратура бўлими бошлиғи ёки тегишли Кафедра мудири ёки илмий раҳбари тавсиясига кўра Университет ректори буйруғига асосан амалга оширилади ҳамда магистрлар, тингловчилар, докторантлар, мустақил илмий тадқиқотчилар ҳамда изланувчилар эътиборига етказилади. Рағбатлантириш тўғрисидаги буйруқ нусхаси рағбатлантирилган магистратура талабасининг шахсий варақасида сақланади.

241. Моддий рағбатлантириш турлари ва уларнинг миқдори Университетнинг маблағлари ҳисобидан Молия-хўжалик ишлар бўйича проректор таклифини инобатга олган ҳолда белгиланади.

242. Ўқув-услубий жараёнларда, илмий ишларда юқори натижаларга эришган магистратура талабалари Университетнинг таълим грандларига тавсия этилишлари мумкин.

243. Магистратура талабаларини стипендия билан тақдирлаш, контракт тўловидан озод этиш ёки чегирмалар билан рағбатлантириш Университет таъсисчиларининг умумий йиғилиши қарорига асосан ташкил этилган маҳсус Комиссия баённомасига кўра амалга оширилади ҳамда ректор буйруғи билан тасдиқланган ҳолда ажратилади.

244. Университет Ички тартиб қоидалари, мазкур Низом қоидалари, Талабалар турар жойи тўғрисидаги Низом (мавжуд бўлган тақдирда) ва Университетнинг бошқа ички меъёрий ҳужжатларида кўзда тутилган мажбуриятларни бузганлиги учун магистратура талабаларига нисбатан куйидаги интизомий чоралардан бири қўлланилиши мумкин:

- огоҳлантириш;
- ҳайфсан;
- Институт талабалари сафидан четлаштириш.

245. Интизомий чоралар магистратура талабасининг тушунтириш хати олингандан кейин қўлланилади. Тушунтириш хатини ўз вақтида берилмаслиги ёки умуман тақдим этилмаслиги ҳолати тегишли тартибда далолатнома орқали расмийлаштирилади ҳамда Университетнинг интизомий чора кўриш ҳуқуқи чекламайди.

246. Магистратура талабаларига интизомий чора кўриш ҳолати содир этилган кундан бошлаб бир ойдан кечикмасдан ва у юзага келган кундан бошлаб олти ойдан кечиктирмасдан қўлланади, бунда магистратура талабасининг касаллиги ва/ёки унинг таътилда бўлган вақти бу муддатга кирмайди.

247. Интизомий чоралар кўриш Магистратура бўлими бошлиғи, тегишли кафедра мудир(лар)и ёки профессор-ўқитувчи(лар)нинг билдиргисига (тушунтириш хати, далолатнома ва бошқалар билан бирга) кўра Университет ректорининг буйруғи билан расмийлаштирилади.

248. Интизомий чоралар кўриш тўғрисидаги буйруқ(лар) Магистратура бўлими томонидан магистратура талабалари эътиборига

етказилади. Интизомий чоралар кўриш ҳақидаги маълумотлар магистратура талабасининг шахсий варажасига ёзилади.

249. Магистратура талабалари қуйидаги ҳолатларда Университетнинг талабалари сафидан четлаштирилиши мумкин:

- ўз ҳохишига кўра;
- бошқа олий ўкув юртига ўқишини кўчирган тақдирда;
- саломатлиги туфайли (тиббий маълумотнома асосида);
- Университетнинг Ички тартиб-қоидалари ҳамда мазкур Низом қоидаларини бузганлиги учун;
- имтиҳон жараёнида ҳужжатларнинг сохта ёки қалбакилиги, ўринга ўрин кириш мавжудлиги аниқланган тақдирда;
- тайёрланган имтиҳон варианtlари ёки тест саволларини имтиҳондан олдин бошқа шахсларга тўлиқ ёки қисман тарқатиш, кўрсатиш, муҳокама қилиш ҳолатлари аниқланган тақдирда;
- магистрлик диссертациясида илмий этика (плагиат, ўзганинг илмий ҳамда ижодий ишланмаларини рухсатсиз фойдаланиш) қоидаларини қўпол равища бузганда;
- таълим учун белгиланган тўловни ўз вақтида амалга оширилмаганлиги сабабли;
- магистратура талабасининг Университет билан бир ой сабабларсиз алоқани узганлиги сабабли;
- вафот этганлиги сабабли.

250. Ҳарбий хизматни ўташ, саломатлигини тиклаш, ҳомиладорлик ва туғиши, шунингдек болаларни парвариш қилиш таътиллари даврида талабага Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги асосида академик таътил берилиши мумкин.

251. Магистратура талабаларини касал бўлган пайтлари, таътил, академик таътил пайтида Университет талабалари сафидан четлаштиришга йўл қўйилмайди.

252. Университет талабалари сафидан четлаштирилган собиқ магистратура талабаси ўқишга қайта тиклаш Қабул комиссиясига белгиланган тартибда ариза билан мурожаатига кўра, Университет ректорининг буйруғига асосан амалга оширилади.

253. Магистратура талабаларининг ўқишини Институт ичida бир мутахассисликдан бошқа мутахассисликка кўчиришга йўл қўйилмайди.

254. Магистратура талабалари Университет ташаббуси билан талабалар сафидан чиқарилганда, аввалги тўланган пул маблағлари қайтарилмайди. Университет магистратура талабаси талабалар сафидан четлаштирилган давригача, кўрсатилган хизматлар учун талаба(лар)дан сабабидан қатъий назар (машғулотларга қатнашмаганлиги сабабли ва ҳ.к) тўловни амалга оширишни талаб қилишга хақли. Бунда тўланган маблағлар, кўрсатилган хизматлар давр учун тўлов ушланиб қолган ҳолда магистратура талабасининг расмий аризасига кўра қайтарилади, қолдиқ маблағларни

қайтариш суммасини ҳисоблаш талабанинг ушбу шартномани бекор қилиш ва қолган маблағларни қайтариш тўғрисидаги расмий аризаси олинган кундан бошлаб, илгари дарс машғулотларига қатнашган ёки қатнашмаганлигидан қатъий назар, амалга оширилади.

255. Магистратура талабасининг талabalар сафидан четлаштирилиши талабани Университет томонидан тақдим этилган таълим хизматлари учун тўловни амалга ошириш мажбуриятидан озод этмайди.

XIX. ИНСТИТУТ БИНОЛАРИДА ЮРИШ-ТУРИШ ТАРТИБИ.

256. Институт ҳудудида, шу жумладан ўқув бинолари ва лабораторияларида қуйидагилар таъқиқланади:

- ўқув машғулотлари ва танаффуслар вақтида бинода ва аудиторияларда югуриш, баланд овозда сўзлашиш, шовқин кўтариш.
- тамаки ва электрон сигаретларни чекиш, ёки уни сотиш / етказиб бериш.
- спиртли ичимликлар ичиш, токсик, психотроп ва гиёхванд моддаларни истеъмол қилиш.
- одоб ва аҳлоқ нормаларига зид ҳақоратли сўзларни ишлатиш ва/ёки жамоат тартиб қоидаларига зид ҳаракатларни амалга ошириш.
- диний маросимларни ташкил этиш, ўтказиш ва иштирок этиш.

XX. ЯКУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР.


257. Мазкур Қоидалар Университет Кенгаши қарори билан маъқулланган ҳамда Университет ректори буйруғи билан тасдиқланган кундан бошлаб кучга киради.

258. Мазкур Низом қоидаларида келтирилган бандлар Университет Ичик тартиб қоидаларига зид келган ёки ўзга ҳолат қайд қилинган бўлса, у ҳолда Ички тартиб қоидалари бўйича иш кўрилади.

259. Мазкур Қоидаларга ўзгартириш ёки қўшимчаларни киритиш Университет ректори буйруғи асосида амалга оширилади.

Тошкент Кимё халқаро университетининг
Магистратураси тұғрисидаги Низомига
1-илова

**Тошкент Кимё халқаро университети
Магистратура фаолиятини бошқариш тузилмаси**



Тошкент Кимё халқаро университетининг
Магистратураси тұғрисидаги Низомига
2-илова

**Тошкент Кимё халқаро университети Магистратура
мутахассисликлари учун қабул
Комиссияси таркиби**

№	Комиссия таркибидаги үрни
1.	Ректор, қабул комиссияси раиси
2.	Қабул комиссияси ўринбосари
3.	Үқув ишлари бўйича проректор, қабул комиссияси аъзоси
4.	Таълим сифати ва халқаро ҳамкорлик бўйича проректор, қабул комиссияси раиси ўринбосари
5.	Илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректор, қабул комиссияси раиси ўринбосари
6.	Ўқув-услубий бошқарма бошлиғи, қабул комиссияси аъзоси
7.	Магистратура бўлим бошлиғи, қабул комиссияси котибининг Магистратура бўйича ўринбосари
8.	Жамоатчилик билан алоқалар бўлими бошлиғи – Ахборот хизмати раҳбари, қабул комиссияси аъзоси
9.	Мухатассислик кафедралар мудирлари, қабул комиссия аъзолари
10.	Бошқа тегишли кафедра мудирлари, қабул комиссия аъзолари

Изоҳ: Қабул комиссиясининг аъзолари факат тегишли ўқув йили учун шакллантирилган ҳамда уларнинг бошқа иш ёки лавозимга ўтган тақдирда, унинг таркибига ушбу лавозимга янгидан тайинланган шахслар киритилади.

Тошкент Кимё халқаро университетининг
Магистратураси тұғрисидаги Низомига
З-илова

**Тошкент Кимё халқаро университетининг Магистратура фаолияти жараёни
СХЕМАСИ**

Босқичлар	Субъект	Тадбирлар	Бажарилиш муддати
I босқич	Абитуриентлар, Университетнинг қабул Комиссияси	Абитуриентларнинг Университет қабул Комиссиясига ҳужжатларни тақдим этиш	Кузги семестр учун – Июль ойи Баҳорги семестр учун – Ноябрь ойи
II босқич	Абитуриентлар, Университетнинг қабул Комиссияси	Кириш имтиҳонларини ўтказиш	Кузги семестр учун – Август ойи Баҳорги семестр учун – Январь ойи
III босқич	Қафедралар, Ходимлар бўлими	Профессор-ўқитувчилар таркибини шакллантириш	Кузги семестр учун июнь-август Баҳорги семестр учун декабрь-январь
VI босқич	Университетнинг тегишли тузилма	Магистратурада таълим жараёнини ташкил қилиш	Университет Кенгаши тасдиқлаган Ўқув графиги асосида
V босқич	Магистратура бўлими, Қафедралар	Магистрлик диссертацияси мавзуларини танлаш ва илмий раҳбар(лар)ни тайинлаш	Биринчи ўқув йилининг дастлабки икки оидан кечиктирмасдан
VI босқич	Магистратура талабаси, Илмий раҳбар ёки Илмий маслаҳатчи	Магистрлик диссертациясини тайёрлаш	Магистратура талабасининг календарь иш режаси бўйича
VII босқич	Магистратура бўлими, Қафедралар	Магистратура талабаси фаолияти устидан мониторинг олиб бориш	Ҳар ўқув йили якуни бўйича тегишли Қафедра томонидан – Апрел-май
VIII босқич	Магистратура бўлими, Қафедралар	Магистрлик диссертациясининг дастлабки ва расмий ҳимояси	Ректор буйруғига асосан белгиланган жадвал асосида

Тошкент Кимё халқаро университетининг
Магистратураси тұғрисидаги Низомига
4-илова



TOSHKENT KIMYO XALQARO UNIVERSITETI
KIMYO INTERNATIONAL UNIVERSITY IN TASHKENT

“ТАСДИҚЛАНГАН”
Университет кенгашининг
“_____”-сон қарори

“КЕЛИШИЛДИ”
Илмий ишлар ва инновациялар бўйича
проректор

“____” 202_ й.

“____” 202_ й.

МАГИСТРАТУРА БЎЛИМИ

“_____” кафедра

(тўлиқ ҳолда фамилияси исми ва шарифи ёзилади)

“_____” мутахассислиги

**МАГИСТРАТУРА ТАЛАБАСИННИНГ
КАЛЕНДАРЬ ИШ РЕЖАСИ**

Қабул қилинган ой ва йил: 202_-202_ ўқув йили
(“____” 202_ йилдаги -сонли буйруқ)

Тошкент – 202_

Магистратура талабасининг ушбу календарь иш режаси _____
кафедрасининг 202_ йил «_____» даги йигилишида муҳокама қилинган.

Кафедра мудири: _____
(имзо) _____ Ф.И.Ш.

**Магистратура бўлими
бошлиғи:** _____
(имзо) _____ Ф.И.Ш.

Режа билан танишдим:

Магистратура талабаси _____
(имзо) _____ Ф.И.Ш.

Илмий раҳбар _____
(имзо) _____ Ф.И.Ш.

I. Магистратура талабасининг ўқув методик, илмий тадқиқот, педагогик амалиёт бўйича календарь иш режаси

1. Ўқув методик ишлар

T/p	Тадбирлар номи	Бажариш муддати	Натижалар: бажарилиши бўйича белгилар

2. Илмий тадқиқот ишлари

T/p	Тадбирлар номи	Бажариш муддати	Натижалар: бажарилиши бўйича белгилар

3. Илмий педагогик ишлари

T/p	Тадбирлар номи	Бажариш муддати	Натижалар: бажарилиши бўйича белгилар

4. Педагогик амалиёт

T/p	Тадбирлар номи	Бажариш муддати	Натижалар: бажарилиши бўйича белгилар

II. Магистрлик диссертациясини тайёрлаш бўйича календарь режа

Магистратура мутахассислиги шифри ва номи:

Магистрлик диссертацияси мавзуси:

Магистрлик диссертацияси мавзусининг тасдиқланиши:

Институт кенгаши (рақами, санаси): №_____, “_____” 202____ йил.

Университет ректори буйруғи (рақами, иили): _____

T/p	Ишни бажариш босқичлари ва асосий тадбирларнинг мазмуни	Бажариш муддати	Натижалар: бажарилиши бўйича белгилар
1. Тадқиқотни ўтказишга тайёргарлик			
1.			
2.			
3.			
2. Илмий тадқиқот ишларини режалаштириш			
1.			
2.			
3.			
3. Тадқиқотни амалга ошириш: материалларни йигиш ва таҳлил қилиш (ёки тажриба синовларини ўтказиш)			
1.			

2.			
3.			
4. Илмий тадқиқот ишлари натижаларини расмийлаштириш			
1.			
2.			
3.			
5. Магистрлик диссертациясини ҳимояяга тақдим этиш			
1.			
2.			
3.			

III. МАГИСТРЛИК ДИССЕРТАЦИЯ ИШИ РЕЖАСИ

Магистрлик диссертациянинг боблари ва параграфлари		Бажарилиш даражаси, %	Муддати
Кириш			
1 Боб		%	202__ йил
1.1.			
1.2.			
1.3.			
2 Боб		%	202__ йил
2.1			
2.2			
2.3.			
3 Боб		%	202__ йил
3.1.			
3.2.			
	Магистратура талабларига мувофиқ магистрлик диссертациясининг дастлабки ва якуний ҳимояси		202__ йил

IV. МАГИСТРАНТНИНГ ЧОП ЭТИЛИШИ КУТИЛАЁТГАН ИЛМИЙ ИШЛАРИ

№	Илмий ишлар мавзуси	Илмий асар чоп қилинадиган конференция, нашриёт	Муддати
Илмий журналларда чоп этиладиган мақолалар			
1.			
2.			
Илмий-амалий конференцияларда чоп этиладиган тезислар			
3.			
4.			

Тошкент Кимё халқаро университетининг
Магистратураси тұғрисидаги Низомига
5-илова

Тошкент Кимё халқаро университет
ректори, проф. Ж.Ш. Кудайбергеновга

“ _____ ”

мутахассислиги _____ -гурухы
магистратура талабаси

_____ дан

ID: _____

А Р И З А

Менга магистратура мутахассислигим доирасида олиб бориладиган магистрлик диссертация иши мавзусини ҳамда илмий раҳбарлық/илмий маслаҳатчиликка қуйида көлтирилган маълумотлар асосида бириктириб беришингизни сүрайман:

Магистрлик диссертацияси мавзуси:

Илмий раҳбар/илмий маслаҳатчи сифатида:

Ф.И.Ш.: _____

Ташкилот номи: _____

Лавозими: _____

Илмий даражаси ва унвони: _____

Магистрлик диссертация ишини ёзишда магистратура талабаси томонидан касб одоб-ахлоқи қоидалари ҳамда академик этика (плагиат, маълумотларни сохталаشتариш, ёлғон цитата көлтириш ва бошқалар)га қатъий риоя қиласман.

(Ф.И.Ш.)

(Имзо)

(Сана)

Тошкент Кимё халқаро университетининг
Магистратураси тұғрисидаги Низомига
6-илова

**I курс магистратура талабаларининг I семестр учун илмий-
педагогик иши мазмуни ва баҳолаш мезонлари**

№	Бажарыладыган иш мазмуни	Натыжа	Баллар
1	Мутахассис тайёрловчы кафедра иш фаолияти билан танишиш, ДТС, намунавий ва ишчи ўқув режа, намунавий ва ишчи фан дастурлари, тақвим режалар, силлабуслар каби меъерий ҳужжатларни ўрганиш	Ўрганилган 2 та ҳужжатга алоҳида таҳлил ёзиш	10 балл
2	Бакалавриат таълим йўналиши мутахассислик фанлари бўйича маъруза ва семинар машғулотларини кузатиш ва таҳлил қилиш	10 та дарс таҳлили	20 балл
3	Бакалавриат таълим йўналишидан 1 та мутахассислик фани силлабуси, MOODLE платформасидаги ўқув материаллари билан танишиб, семинар машғулотларининг ишланмасини тайёрлаш	2 та машғулотнинг ишланмаси	20 балл
4	Танлаб олинган фан бўйича талабалар билимини назорат қилиш учун мўлжалланган тестлар тузиш	100 та тест	20 балл
5	Танлаб олинган фан бўйича талабалар мустақил ишини ташкил қилиш бўйича меъерий ҳужжатларни ўрганиш ва мустақил иш топшириқларини тайёрлаш	1 та фан учун 1 семестрга мўлжалланган	20 балл
6	Бажарылган ишлар юзасидан ҳисобот тайёрлаш	Ёзма ҳисобот тайёрланган ўқув материаллар жамланмаси билан	10 балл
Жами			100 балл

Тошкент Кимё халқаро университетининг
Магистратураси тұғрисидаги Низомига
7-илова

**I курс магистратура талабаларининг II семестр учун илмий-
педагогик иши мазмуни ва баҳолаш мезонлари**

№	Бажарыладыган иш мазмуні	Натыжа	Баллар
1	Мутахассис тайёрловчы кафедра иш фаолияти билан танишиш, кафедра ва профессор-үқитувчининг йиллик иш режаси каби кафедра меъёрий ҳужжатларни ўрганиш	Ўрганилган 2 та ҳужжатта алоҳида таҳлил ёзиш	10 балл
2	Бакалавриат таълим йўналиши мутахассислик фанлари бўйича маъруза ва семинар машғулотларини кузатиш ва таҳлил қилиш	5 та дарс таҳлили	10 балл
3	Бакалавриат таълим йўналишидан 1 та мутахассислик фани силлабуси, MOODLE платформасидаги ўкув материаллар билан танишиб, маъруза ва семинар машғулотларининг ишланмасини тайёрлаш ва семинар машғулотларни ўтказиш	2 та машғулотнинг ишланмаси ва машғулотларни кузатган профессор-үқитувчиларнинг хulosалари	30 балл
4	Кафедранинг йиллик иш режасига мос тадбирни ташкил этиш ва ўтказиш	1 та тадбир ва унинг баённомаси	20 балл
5	Танлаб олинган фан бўйича талабалар билимини назорат қилиш учун мўлжалланган тестлар тузиш	100 та тест	20 балл
6	Бажарылган ишлар юзасидан ҳисобот тайёрлаш	Ёзма ҳисобот тайёрланган ўкув материаллар жамланмаси билан	10 балл
Жами			100 балл